

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 92-93 (6932-6933)  
1998 йил 24 ноябрь, сешанба

Сотувда эркин  
нархда

Укагинам - қишлоқ боласи! Бироз тортинчоқсан, бироз тупорисан. Бирок сенинг чехрангда ҳеч бир ижодкор тавсиф қила олмайдиған ҳаёт нашъаси бор. Кузларингда узингдан-да, шух, узингдан-да беғубор рангин дунёлар яширин. Мен сенинг юзларингни бир жаҳон завқ-шавқ қайнаб тошган узга бир олам ичра куришни истайман. Қанийди, қишлоқда ҳам уйингоҳлар, болалар ҳиебонлари бўлиб, булар сенинг қувноқ қийқириқларинг-у, шодон қулгуларинг билан файзга тулса...

Зерикиш учун вақт қайда? Аммо сен қанчалик иш, юмуш билан банд бўлмагин, қай шароитда яшамагин, болалигинг сени излаб бораверади. Сени уз бағрига чорлайверади. Баъзи баъзида сен уйинга машғул бўлиб кетасан-у, сигирларинг экинзорга тушиб, уни пайҳон қилади. Ё куйларинг йўқолиб қолади. Ота-онанг эса сенинг болалигинг билан ҳисоблашиб утирармиди? Гуноҳ қилдинг-

то, аҳён-аҳёнда жунлари ҳурпайган ғалати итларни сайр қилдириб юрган кимсаларга кузим тушса, сени уйлайман. Қишлоғим боласи... Агар бирор марта даданг, ёки ойинг билан шаҳарга бориб музқаймоқ есанг борми, арши аълога чиққан-дек қувонасан. Таассуротлари-



наб усишга, ҳаётдан бир олам завқ олишга ҳақ -

## ҚИШЛОҚ БОЛАСИ

Шаҳарда болаларбоп манзилгоҳлар жуда кўп экан. Болалар боғлари, болалар ҳиебонлари доим уз эгалари билан гавжум. Айниқса, яқшанба кунлари болалар боғлари, ҳиебонлар одатлагидан ҳам гавжумлашади. Кимлардир арғимчоқ учаётган ва кимлардир чархпалакда сайр қилар, кимлардир эса балантлиқдан пастга сирғалиб тушаётибди. Хуллас, бу ерда ҳар ким узига ёққан уйин билан машғул. Бу ерда болалик, шодлик, қувонч ҳукмрон. Болалар учун бундай қулайликлар ва эътибор фақат шаҳардагина, шаҳар боласи учунгина яратилганга ухшайди. Сенинг (менинг ҳам) қишлоғингда бундай қулайликлар қайда-ю, уйингоҳлар қайда. (Фақат бир вақтлар айрим бели бақувват, саҳоватпеша амакиларингнинг ташаббуси билан туман ёки вилоятда барпо этилган битта яримта уйин майдончаларини ҳисобга олмаганда. Ҳозир бу майдончалар ҳам ҳувиллаб ётибди.)

ми, бас! Жазо олишинг керак. Аслида-ку, авжи шўхлик қиладиган, микириб уйнайдиган, куча чанги-тиб хумордан чиққунча тупроққа беланадиган паллангда тирикчилик ташвишларининг бир парчаси муъжазгина елкангга тушиб утирса-я...

нгни уртоқларингга айтиб, адо қила олмайсан. Музқаймоқнинг мазаси ойлаб оғзингдан кетмайди. Президентимиз томонидан қанча-қанча фармонлар чиқарилиб, болаларга, кўп болали оилаларга ғамхурлик тариқасида ёрдам учун қанчадан-қанча давлатимиз маблағлари сарф қилинапти-ю, бирок сенинг аҳволинг нега ҳамон уша-уша?.. Тўғри, шаҳарликлар билан қишлоқдагиларнинг турмуш тарзи бир хил эмас. Аммо болаликнинг сулим бекатлари-ю, рангбаранг дунёлари бир хилда-ку. Шундай экан, сенинг ҳам қув-

қинг бор. Бу ҳақиқатни, бу ҳақни уйғотамиз!

Бундай уйлаб қараганда, шаҳарнинг ҳам узига яраша муаммолари бор, албатта. Айрим болалар мактабдан қочиб, бозорда юришади. Савдо-сотикда ота-оналарига ёрдам беришади. Бирок, улар сенга ухшаб оддийгина тирикчилик ғамида юришгани йўқ. Аксарият болалар ота-оналарининг бошқалардан қура устунроқ, бой-бадавлат яшашига бўлган интилишлари (бу интилиш болаларда ҳам шакллана бошлаган) оқибатидагина бозорга келиб, қолганга ухшайди. Шундай жигарим. Барибир сенинг қишлоғингда тирикчилик оғир. Гоҳ отангнинг ёнида чопиқ чопасан, гоҳ пахта даласида этак боғлаб пахта терасан. Пахта очилади-ю, синфхонанг эшиклари сен учун тақа-тақ бекилади. Эссизгина қишлоқ боласи... Томорқада ҳам дадангнинг ун қулган. Бир парчагина ерингизда

етиштирган ҳосилингиз яхши бўлса-ку майли, аммо натижа қутилганидек бўлмаса-ки, унда нима бўлади? Ҳечқиси йўқ, бунинг ҳам чораси бор. Даданг тезда ё сигирини сотади, ё эндигина она сути оғзидан кетган буқачани. Чунки у сизларни очликдан сақлаб қолиши керак-да! Очиғини айтганда даданг ҳам, онанг ҳам колхозда ишлашади-ю, чунтагига бир тийин ҳам сармоа тушмайди. Маош урнига фақат аҳён-аҳёнда (купинча байрам кунларида) икки-уч килоча баъзан 5—6 килограмм пахта ёғи, 20—30 килограмм бугдой холос. (Шунисига ҳам шукур) Ундан ташқари сенга дафтар, китоб ва бошқа ўқув қуроллари кийим-бош ҳам керак-ку! Яна чорва асқотади. Қурадаги битта қуй ёки қўчқор бозорга олиб чиқилади. Мана қурдингми, чорва нима учун керак. Уйдаги чорвага сен қарайсан, фақат сен.

Йиллар утиб сен ҳам улғаярсан. Чайир ва бақувват бўлиб. Одамларга мурувватли, ота-онангга меҳр-оқибатли буларсан. Аммо, болалигингни қай тарзда эслайсан? Ҳаёлотнинг учқур отларига миниб унинг қайси бекатларига учиб боринг келади? Сен билан хат ёзишиб тургим келади, қишлоқдаги укажоним! Мактубингни кутаман. Салом билан, Хоразмдан Тошкентга иш излаб келган опанг: **Онажон ОДИЛХОНОВА**



Укажоним-ей! Ердан буйинг бир-икки қарич кутарилдим, бас, қуй боқишга ярайсан. 5—6 та қуйни олдинга солиб, даладашга тентирайсан. Каттароғинг сигир боқасан. Эшак-хачирларда кун буйи хашак ташийсан. Қисқаси, сенинг учун қишда ҳам тиним йўқ.

### ХУШҲАБАР КЕЛСИН!

Обуна-99

Биз Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги иқтидорли ўқувчилар гимназияси ва Қори Ниёзий номли 49-мактабдан жуда мамнун қайтгандик. Сабаби, Чортоқда адабиёт, шеърят ва мутолаага ташна ёшлар талайгина эди. Чортоқ тумани ХТБ мудири муовини Абдулхамид Раҳматов гарчи кимё фанидан дарс берса-да, узидаги шеърятга бўлган ҳавасни ўқувчиларига ҳам юқтира олган экан. «Бустон» ижодий уюшмаси аъзоларининг — Гулмира Исмонова, Анора Қозоқбоева, Муяссархон Усмоноваларнинг ижод намуналари ҳануз ёдимизда. Уша учрашувда улар «Тонг юлдузи» газетасини севиб ўқишларини таъкидлаган эди. Кун кеча таҳририятмизга шу туманинг Пешқургон қишлоғидаги Узункўча маҳалласида истиқомат қилувчи Меҳнат фохрийси Бекмирза Боймирзаевдан шундай хушхабар олдик: — Мирзо Улуғбек номли мактабда 1999

йил учун обуна қизгин давом этмоқда. 7-«А» синф ўқувчилари биринчилардан бўлиб турли газета ва журналларга обуна бўлдилар. Аввало устозлар Муҳаммадали Маматвалиев ва Хусанбойлар уз ўқувчиларига намуна бўлиб нашрларга обуна бўлдилар. Ўқувчилардан Нозим Парпобоев, Санжар Боймирзаев, Нодир Худойров, Феруза Муродовалар биринчилардан бўлиб «Тонг юлдузи»га ёзилишди. Улар 30 хил номдаги газета ва журналларга обуна бўлиб, унинг миқдорини 100 минг сўмга етказишмоқчи. Энг ибратли томони, мактабларда ҳар бир синфда 10 тадан «Тонг юлдузи» бўлиши керак, — деган ширга бу ўқувчилар амал қилишмоқда. Шу кунгача ҳар синф бештадан «Тонг юлдузи»га обуна бўлди. Ҳимматингизга балли, чортоқлик тенгдошлар! Биз билан ҳамроҳ бўлсангиз адашмайсиз! Қолган вилоятлардан ҳам хушхабар кутамиз. **ГУЛЮЗ.**

### Китобли уй — қуёшли уй

#### «ШАЙБОНИЙНОМА»НИ ЎҚИГАНМИСИЗ?

Қадим замонда бир подшо яшаб утган экан. У шунақанги бадавлат эканки, ҳатто саройининг ҳар бир устунини олтиндан ясалган экан. Подшо бир кун туш қурибди. Тушида оппоқ соқолли чол унга қараб: — Сенинг бойлигинг уткинчидир. Оламдан утганингдан сунг болаларингга ҳеч нима қолмайди. Мисқоллаб йиққан олтин, жавоҳирларинг, аслида, бир чақага арзимайди. Сен дунёдаги энг қимматбаҳо нарсани топ. Токи, у авлод аждодингга етиб ортин! — дебди. Подшо элга жар создириб энг қимматбаҳо нарса нима эканлигини топган одамга буйи баробар тилла беражagini айттибди. Шунда бир донишманд дунёдаги энг қимматбаҳо нарса китоб эканлигини айтибди. Подшо донишмандга буйи баробар тилла берибди. Уша кундан бошлаб ҳазинадаги бор тилласига китоб со-

тиб ола бошлабди. Подшонинг китоблари қупайгандан-қупаяверибди. Унинг йиққан китоблари етти пуштидан ошиб то бизгача етиб келган экан. Албатта, бу бир ривоят холос. Лекин ҳозирда китоб ўқиётган ўқувчини жуда кам учратасиз. Лекин мен китоб ўқишни жуда ҳам яхши кураман. Чунки китоб ўқиган боланинг дунё қарашини кенгайтиди. Мен Муҳаммад Солиҳ, («Шайбонийнома»), Бобур, Тоғай Мурод, Хайридин Султон каби ёзувчиларнинг китобларини ўқиб чиқдим. Булардан ташқари, яна қуллаб шеърый тупламларини ўқидим. Мен тенгдошларимга ҳам кўпроқ китоб ўқиш кераклигини айтмоқчи эдим. Чунки китобли уй — қуёшли уйдир. **Шоҳида СОЛИЕВА, Андижон туманидаги 42-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси.**

## УСТОЗЛАРГА РАҲМАТ

**Носиров Хусан:** — Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини билиши керак, чунки ўз ҳуқуқидан беҳабар инсон ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Мен келгусида ўз ҳуқуқларимдан фойдаланиб, етук билим олиб ҳимоясиз одамларга ёрдам берсам дейман. Шу мақсадда ТошДУга бориб, ҳуқуқ фанини устозларим Эркин ака, Азиз акалардан ўрганипман. Мактабдаги устозим Ёқут Раҳмонова, мактабимиз директори Назира Аҳмедоваларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

## БИЗ НИМАГА ЭГАМИЗ?

**Носиров Хасан:** — Менимча, ўз ҳуқуқини билмаган инсон ҳар қадамда кунгилсизликларга дуч келади. Мен ҳам ҳаётда ўз ўрнимни топиш учун ҳуқуқ фанини чуқур ўрганишга аҳд қилдим. Бизда ҳар ким ўзи танлаган касбини эгаллаши ва шу касбда меҳнат қилиши мумкин. Ўз ҳуқуқимдан фойдаланиб, 9-синфни битиргач, ўқишни ҳуқуқ синфида давом эттиришга қарор қилдим. Зеро, биз яшаш, меҳнат қилиш, касб танлаш ва фикрлаш ҳуқуқига эгамиз.



## ҲАР КИМ ҲУҚУҚИНИ БИЛСИН!

Ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири — ҳуқуқий давлатни барпо этишдир. Шу мақсадда ўрта мактаб дастурларига «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанининг киритилиши ҳам бежиз эмас. «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва анъаналар ҳурмат қилинмас, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди» — деганда Президентимиз И. А. Каримов нақадар ҳақ эканлигини давр кўрсатиб турибди. Бу мақсадларни амалга оширувчи ёшларимиз эса Ўзбекистон Республикасининг Қомуси, Олий Мажлис қарорлари билан таниш бўлмоқлари, ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур билмоқлари лозим. Куйида шогирдларим Тошкентдаги 41-мактабда ташкил этилган тарих-ҳуқуқ синфлари ўқувчиларининг фикрлари билан танишасиз.

## ДАРСДА ЎРГАНДИМ

**Музаффарова Манзура:** — Инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишларини юзага келтириш гоят муҳимдир. Диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш ва асраб-авайлашимиз зарур.

Мен ҳуқуқ дарсларидан куйидагиларни билиб олдим: ёзги таътилда ҳафтасига 24 соат ва ўқиш бошлангандан кейин ҳар куни 2 соатдан ишлаш мумкин ва бу иш йиллари меҳнат стажига қўшилар экан. Ёки тунги иш вақти 22 дан 6 га қадар давом этса, 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчилар бундай ишлашдан озод этилади. Яна шуни ўргандимки, ёш болалар ҳатто 7-10 ёшда ҳам шеър ёзиб муаллиф бўлишлари мумкин.

Биз ана шундай ҳуқуқларимизни билсак, ҳаётда ўз ўрнимизни топиб кетишимизга ишончим комил.



## БАРЧА УЧУН ТЕНГ

**Тўракулова Элдор:** — Ўзбекистонда фуқаролар, давлат органлари, корхоналар ва бошқа ташкилотлар ҳуқуқ лаёқатига эгадирлар. Барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, келиб чиқиши, қаерда ишлаши ва бошқадан қатъий назар ҳуқуқ лаёқатидан тенг фойдаланадилар. Ҳатто чет эллик фуқаролар ҳам Ўзбекистон фуқаролари билан тенг даражада ҳуқуқ лаёқатига эгадирлар. Биз ўқувчилар эса ўқиш ҳуқуқига эгамиз, шу ҳуқуқимдан фойдаланиб, устозларимдан чуқур ва атрофлича билим беришларини талаб қиламан.

## ИЛМСИЗЛИК ОҚИБАТИ

**Дўсова Дилбар:** — Бизнинг энг катта камчилигимиз — кўп инсонлар ўз ҳуқуқимизни яхши бил-

маслигимиздир. Ойнаи жаҳон орқали айрим ёшларни угрилик қилаётгани, наркотик моддаларни истеъмол қилаётгани ва шунинг оқибатида жиноят содир этаётганини кўряпмиз. Бу илмсизлик жаҳолат туфайли содир бўляпти, деб уйлайман. Нега улар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, билим олмай, ёмонлик кўчасига кириб кетяптилар? Менимча, ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмай, шу йўлга кириб кетяптилар. Биз ҳеч қачон буюк боболаримиз Навоий, Амир Темур, Абу Али ибн Сино, Беруний авлоди деган номга доғ туширмаслигимиз керак.

## Таҳририятдан:

**Азиз ўқувчилар! Сиз тенгдошларингиз фикри билан танишдингиз. Уларнинг фикрларида жон борми? Ҳуқуқ ва бурчларимизни билиш учун ҳаммамиз ҳам бирдек интиляпмизми? Ҳар ким ўз ҳуқуқини билса, ундан фойдаланса, ҳаёти янада нурли бўлишини ҳар биримиз биламизми? Мактабингизда бу фани ўрганиш қандай йўлга қўйилган? Бизга ана шулар ҳақида албатта ёзиб юборасиз деган умиддамиз. Бу борада азиз устозларимиз жонбозлик кўрсатсалар соз бўларди. АММО... НЕГА ЖИМСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР?!.**

## Таътил таассуротлари

# ТРАМВАЙСИЗ ҲАМ ЯШАСА БЎЛАДИ

Ойижоним: «Агар биринчи чоракни аъло баҳолар билан якунласанг, сени таътилда Тошкентга-холангларникига меҳмонга олиб бораман», — деб ваъда бергандилар. Тошкентга бориш кимга ёқмайди дейсиз. Астойдил ўқишга киришиб кетдим. Ҳар куни мактабга қатнайдиغان, унча-мунча фанлардан «беш» баҳо оладиган бўлдим, ҳатто «утай» фанларим яъни инглиз, рус тилидан ҳам «3» ни «4»га олиб чиқдим. Уқитувчиларимиз: «Жаҳонгир, мана «аълочи» ўқувчилар сафига қўшилисан, энди ҳулқинг ҳам «намунали» бўлиши керак. Энди баъзи «чиройли» ҳунарларингни ташласанг ҳам буларди...» дейишди. Илож қанча...қизларни сумкаларини яшириб қўйиш, сочларини бир-бирига улаб қўйиш... дегандек, ҳаммаси билан хайрлашйишга тўғри келди.

Ва ниҳоят, ойижоним берган ваъдаларининг устидан чиқиб, пойтахтга олиб келдилар. Вой-бу, бу ерда бунча чиройли иморатлар, музейлар, болалар уйингоҳларига бой боғлар-у хиёбонлар бор экан.

Холамнинг угиллари Баҳром ва Бахтиёрлар билан бобомиз Амир Темур музейига, кейин «Ҳайвонот боғ»ига бордик. Шаҳарнинг у чеккасида бу чеккасида хилма-хил транспортлар бир пасда гиз этиб олиб бориб қўйишини айтмайсизми?! Менга айниқса, поездга ухшаб темир йўлда юрадиган трамвайлар ёқди. Шаҳарни томоша қилиб юрганимизда ҳам нуқул «Трамвайга чиқайлик», — десам, — холаваччаларим: «Нима, сизларда трамвай йўқми, мунча трамвайда юришга қизиқмасанг?» — деб ҳайрон бўлишди.

Ҳа, бизда чиндан ҳам трамвай йўқ. Манзилга етгунча баъзида бузилиб, баъзида бензини тугаб қоладиган автобуслар эса анчагина...

Шундай қилиб, Тошкентдан катта таассуротлар билан қайтдим. Синф

раҳбаримиз таътилни қандай утказганимизни сўраганларида мен пойтахтда қурган-билганларимни сузлаб бердим. Устозимиз Насиба опа Абдураймова мени кўпроқ трамвай қизиқтириб қолганлигини сезибдилар шекилли, трамвай тарихига оид қизиқарли маълумотларни сузлаб бердилар:

— Дунёда биринчи марта вагонларнинг юриши учун темир изларни таклиф қилган киши — инглиз инженери Бенжамен Утрам экан. Унинг мамлақатида темир йўллари «Утрамвай» «Утрам» уша инженернинг исми ва «Way» — йўл» яъни «Утрам йўллари» деб юри-та бошлаган эканлар. Кейинчалик бу

суз «трамвай»га айланиб кетган экан.

Ушандан бери трамвайлар инсониятга холис хизмат қилиб келаётган экан. Мексикада тобуткаш трамвайлар бўлиб, улар камбағал — фуқароларни қабристонга бепул олиб бориб қўярган. Бомбейда икки қаватли, Копенгагенда бир ярим қаватли усти очик трамвайлар, Ленинградда ағдарма юк трамвайлари, Сан-Францискода ўқида айланиб буриладиган трамвайлар ва Венада ер ости юк трамвайлари бор экан. Лекин энг қизиғи трамвайнинг ватанида, яъни Лондонда бутунги кунда трамвайлар йўқ экан. Яна дунёнинг энг катта шаҳарлари — Париж ва Гаванада ҳам трам-

вайлар йўқ экан.

Москвада дастлабки трамвайлар 1880 йилда, Тошкентда 1913 — йилда пайдо бўлган экан.


Уқитувчимиздан бу қизиқарли хабарларни билиб олганимиздан кейин фақат мен эмас, балки уртоқларим — Шерзод, Шўхрат, Ҳасан-Ҳусанлар ҳам унга жуда қизиқиб қолдилар. Биз «Келажакда узимиз ҳам янги, замонавий трамвайлар, машиналар яратсак бўладими?» — деб савол берганимизда, устозимиз шундай дедилар:

«Инсон олдида бир мақсад қўйиб, уни амалга ошириш учун изланса албатта орзуси рўёбга чиқади. Болаларим, ҳозир билимга интилганга йўл кенг. Юртбошимиз иқтидорли ёшларга катта эътибор қаратаёптилар. Кечаги УзТВнинг ахборотини қурган бўлсангиз, туманимиздаги 80-мактабни таъмолаган олангиз Машҳура Зиёдуллаеванинг АҚШдаги «Индиана» Университетида аъло баҳолар билан илм олаётганини курсатишди. Бундай ёшлар жуда ҳам кўп. Сиз уларга ҳавас қилинг! Ҳавас қилиб ўқиб — урганинг, ўз иқтидорингизни намоён қилинг. Шундагина Сиз ҳам келажакда ривожланган чет мамлакатларга бориб, катта-катта ўқишларда ўқийсиз, олим-у узингиз орзу қилган ихтирочи ҳам бўласиз!»

Устозимизнинг гаплари барчамизга жуда ёқди. Ойижонимни таъбири билан айтганда: бизга «қанот баҳш этди». Ҳозир ҳаммамиз фақат ва фақат «аъло» ўқишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳа, айтгандек, биз туртала уртоқ мактабимиздаги «Ёш ихтирочи»лар тугарагига аъло бўлдик. Насиб этса, замонавий трамвайлар-у, машиналар ихтиро этганимизда Сиз билан яна куришамиз.

**Жаҳонгир ДАВЛАТОВ,  
Сурхондарё вилояти, Узун  
туманидаги 3-мактаб ўқувчиси.**



Таътилда... мен укамга қарадим

1. Розеткалар, вилкалар, умуман, электр чироқларини ёқиб-ўчирадиган воситалар доимо соз бўлиши керак.

2. Болаларни ёлғиз қолдирманг, олов билан ўйнашига ижозат берманг (фақат келин-чакларнинг олов атрофидан уч марта айлантириб, сунгра хонадонга киритилиш маросими бундан мустасно).

3. Уйдан газни ўчириб чиқинг! Агар газ ҳиди чиқаётганини сезсангиз, аввало, эшик-деразаларни очиб ташланг, лекин чироқни ёқманг — портлаш юз бериши мумкин! Гугурт чақиб, газ чиқаётган жойни текшириб кўришни хаёлингизга ҳам келтирманг! Яна бир нарса эсингизда бўлсинки, буюк француз ёзувчиси Эмил ЗОЛЯ 1902 йили газ қувуридан чиқаётган пропан ухлаб ётган чоғида ётоқxonани тўлдириб юборгани учун бўғилиб, ҳалок бўлган эди (дарвоқе, Франциянинг кўпгина шаҳарлари асримизнинг бошларидаёқ тўла-тўқис газлаштирилган эди).

4. Электр симлари ўтган ёки мўридан учкун сачраши мумкин бўлган томларни, чердакларни хашаклар ва бошқа хилдаги ёнувчан лаш-лушлар билан тўлдириб ташламанг!

5. Электр тармоғига бир вақтнинг ўзида жуда кўп қувват оладиган воситаларни (дазмол, плита, кир ювиш машинаси...) уламанг; симлар зўриқиб, уланган жойидан куйиб кетади ёки «чақимчи»дан учкун чиқади.

6. Ёқиб қўйилган электриситгичларни, дазмолларни назоратсиз қолдирманг: ухлашдан ёки кўчага чиқиб кетишдан аввал узиб қўйинг. Уларни иссиқлик ва ток ўтказмайдиган тагликка қўйинг.

7. Тун бўйи пионино чалиб, асабингизга тегадиган қўшингизга ўчакишиб, телевизорни ухлаётган пайтингизда ҳам ишлатиб қўйманг. Доим ўчириб юринг (ўчирмасангиз майли, тикилиб ўтираверинг).

8. Ясама электр асбобларидан фойдаланманг (ўгринча токдан фойдаланманг, ўғирлик давлат ҳисобидан бўлса ҳам барибир ҳаром).

9. Уйдан чиқаётганда ҳар қандай электр асбобини ўчириб қўйинг.

10. Носоз печка, газ-ўчоқлардан фойдаланманг; ўзингизча усталик қилманг (чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйиши керак). Қаровсиз қолдирманг.

11. Ёнғинга учрайдиган ортиқча уй-рузғор буюмларингизни қаватлар ўртасидаги зинапоя майдончаларида (ҳатто лифт бўлса ҳам) сақламанг (яқинда шоир Муҳаммад Юсуф ҳам зинапоя майдонча-



*Ҳавфсизлиги ойлиги бошланди!*

**Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан Республикада 16 ноябрдан 16 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.**

**Маълумки, диёримизда қиш мавсуми бошланди. Энди кўк-ламга қадар аҳоли иссиқдан кўпроқ фойдаланади. Зеро, қиш ўчоғи билан гўзал бўлади. Қишлоқларда ҳали газ етиб бормаган, етиб борган бўлса ҳам «лимит» йўқлиги туфайли қиш бошланиши билан газ оқими пасайтириладиган (масалан, Фаргона вилояти Қува туманидаги айрим қишлоқларда аллақачон табиий газ оқими батамом узиб қўйилган қишлоқлар бор). Натижада газга мослаштирилган хонадонлар ота-боболаримиздан қолган йўсинда (яъни, тезак ёқиб) иситилади. Бундай ҳолларда, айниқса, ёнғин чиқиш хавфи янада кучайиб кетади. Чунки газ ёпиқ ўчоқда ёнса, тезак ёқиш учун ўчоқларнинг «жағи» олиб ташланади, гиламга, шолчага учкун сачраб, аста-секин ёнғин чиқиши ҳеч гап эмас. Боз устига, «ўт балоси»ни ҳали кўрмаган болакайлар назоратсиз қолдирилса борми, улар текин томоша учун ҳам кўрпа-тўшакни ёқиб кўришни истайдилар... Шаҳар хонадонларида эса бошқачароқ манзарага дуч келамиз: ўйинқароқ болакайлар кўнгилхушлик истаб (ахир, боғчага бормаси ёки совуқ кунлари кўчага чиқмасдан уйда ўтираверса зерикади-да!), ўзларича гугурт чақиб ўйнайдилар, шам ёқадилар, назоратсиз ҳолда бошқа бир «ўйин»ни ўйлаб топадилар. Болаларнинг топқирлиги ҳаммага маълум. Шу сабаб, азиз ўсмир-ёшлар, сизлар доимо укажонларингизни ёнғин хавфидан узоқроқ сақланглар. Акс ҳолда, «пожарний» амакилар юмшоқ жойингга укол қилиб кетишади, деб «таълим» бериб қўйинглар.**

**Телевизорда баъзан ёнғин чиқиши мумкин бўлган ҳолатлар «реклама» қилинади. Кўпинча «реклама» томошабинга (айниқса, мултик кўриб ўтирган болаларга) тескари таъсир кўрсатади. Яъни, айнан кўкнори хаёлни чалғитгани учун кўз-кўзланган совун харид қилинмайди, бемаврид бошланган панд-насихат қулоққа кирмайди. Шу боис қуйида ёнғин хавфсизлигига доир ўт ўчирувчилар таклиф этган эҳтиёт чораларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Агар бу эҳтиёт чораларига оғишмай амал қилинса, хонадонингиз ҳамини осойишта бўлади (қолаверса, телеижодкорлар ҳам қизиқ кино кетаётган пайтда рекламани тикиштириб бошингизни қотирмайдилар).**

сидаги эски эшик-деразаларини Дурмондаги боғ-ҳовли-сига элтиб қўйди. Ҳеч бўлмаса, шоирдан ўрнак олингиз!).

12. Лампаларни қоғоз, латта-путта билан ўраб қўйманг.

13. Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритманг (икки йил бурун Шохруҳ Мирзонинг яп-янги жинси шими шундай ҳолда қуритилаётган пайтда паққос ёниб кетганди, яхшиямки, латта ҳидини дарҳол сезган Гулруҳ ёнғиннинг олдини олиб қолган эди...).

14. Сандал (танча) курсангиз, марҳамат қилиб, қоидаси бўйича урик ўтиннинг чўғидан фойдаланинг. Зинҳор-базинҳор электр плиткаларни, ясама иситгичларни сандалнинг остига тикиб қўйманг. Бу ҳол соғлиққа зарар: кислородни еб юборган мосламалар оёғингизни куйдирмаган тақдирда ҳам, лекин қоқшол этиб

кўяди.

15. Тўнгиб, музлаб қолган бўёқларни (краскалар) асло оловга ёки плиткага тутиб иситманг — бирдан ёниб кетиши мумкин.

16. Ётган ўрнингизда тамаки чекманг (нос чексангиз майли).

— Вой, нима девотсиз?! Кейин ман туфлаш учун горшок излаб юраманми?

— Янга, кечқурун поччамизнинг оғзига емхалта тутиб кўясиз, холос.

17. Коржомаларни асло бензинга ботириб ювманг. Ё ювилаётган пайтда, ёки қуритилаётганда ёниб кетади.

18. Янги (милодий) йил арафасида арчани пахта билан безатманг, остига шам ёқманг (тагин, Янги йилгача «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙИ» тугар экан деб, ўз билганингизни қилманг: ёнғин эҳтиётсиз-

лик оқибатида бир ойдан кейин ҳам содир бўлиши мумкин. Ахир, кўза кунда эмас, кунда синади, тасаддуқ!).

Мабодо юқоридаги панд-насихатларга амал қилинмаган бирорта хонадонда ёнғин чиқса, зудлик билан «01» рақамни териб, телефон қилишни унутманг! «01» рақамини ҳали мактабга бормаидиган боғча ёшидаги болалар ҳам телефонда қандай теришни ўрганиб олсалар чакки бўлмасди: бунинг учун аввал айлананинг тепасидаги доирасини, кейин пастдаги доирасини гиж-гиж этиб айлантисангиз, «Лаббай!» деган ёқимли товуш эшитилади. Сиз, болакай, фақат яшаётган манзилни тўлиқ айтсангиз бас, «Аямнинг қизиман ёки адамнинг ўғлиман!» дедсангиз ҳам майли. Фақат адресни — манзилни кўча деворларига ёзиб қўйилгандек тўғри айтинг, хўп?! Ана энди сизга битта эртақ айтиб берамиз: «Бир бор экан, бир йўқ экан, Тошкент деган шаҳарда битта эсли бола бор экан, унинг исмини ўзидан бошқа ҳеч ким билмас экан...»

Ушбу панд-насихат саҳифасини Кенжа Ботир Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг жонкуяр ходимлари Феруза САЪДУЛЛАЕВА, Тўлаган АБДУЛЛАЕВ ҳамкорлигида тайёрлади.

## ФАЛОКАТ БИР ҲАВФСИЗЛИГИ ЮРМАЙДИ

Фалокат бир келса кетма-кет келаверар экан. Синфдошимнинг отаси автомобил ҳалокатидан қўз юмди. Бечора синфдошимга шу ҳам етмагандек, яна бахтсиз воқеа юз берди. Отасининг вафотидан 3 кун утгач, уйлари ёниб кетди. Ёнғин чиққан кун уйда уч киши: уртоғим, укаси ва элликлардан ошган аммаси булган. Ярим кечаси синфдошимнинг укаси тутун хидидан бурни ачиб уйғониб кетади ва акасини уйғотади. Ака-ука баробарига ўзларини эшикка урадилар. Қўшни уй эшигини очишлари билан қуюқ тутун лоп этиб оловга айланади ва бутун уй ичидаги уч киши ҳам олов ичида қоладилар. Қўни-қўшниларнинг ёрдами билан тутун ичида қолган синфдошим қутқариб қолинди. Лекин минг афсус, синфдошим сеvimли укасидан ҳамда меҳрибон аммасидан ҳам жудо булди. Жасадларни ёнғин анча пасайгач, базур олиб чиқишди.

Уйда катталари булмаган болаларнинг эътиборсизлиги туфайли шундай фожа содир булди.

Мен синфдошимга жуда-жуда ачинапман, лекин на илож. Биз болалар ҳам сергак булмоғимиз, атрофга чуқур назар билан қарамоғимиз керак.

Элвира Отамуродова,  
ЎзДЖ Т.У. қошидаги лицей 106-  
гурух ўқувчиси.

Ассалому алайкум «Тонг юлдузи» газетаси. Мен сенда босиб чиқарилаётган ҳамма



мақолаларни, шеърларни ва ҳикояларни қизиқиш билан ўқийман. Мен 20 октябрь

Авалло сен, охири ўйламасдан қилинган иш қачонлардир кишини виждон азобига солишини ўйлаб кўришинг керак эди. Қолаверса «Сабринг таги сариқ олтин», деб бежиз айтишмаган. Йигит кишининг сабри ва иродаси кучли бўлиши керак. Ана шунда ўз йўлидан адашмайди.

Илҳом АШИРОВ.  
\*\*\*

сотаётган экан. Бир аёл келиб: «анави кўйлак неча пул?», — деб сўради. Шу пайт чамаси 7-синфда ўқийдиган бир бола аёлнинг чўнтагидан пулини олиб югуриб кетди. Аёл бўлса бақирганича қолаверди.

Сенинг саҳифангдани Аҳрорга келсак, уни бундай қилишига сабаб, унинг синфдош-

Бўр заводи қачон қурилади

750 СЎМ ЭКАН...

Бизнинг Косон томонларда катта теннис майдонлари деярли йўқ. Айрим ўқувчилар эса теннис нималигини ҳалигача билишмайди. Стадионларимизда чопсак янгигина туфли қадам қўйган

Хурматли «Тонг юлдузи». Мустақил мамлакатимиз кундан-кунга ривожланиб борапти. Унинг янги қурилган иншоотларини, завод ва фабрикаларини кўриб хурсанд бўламиз. Аммо, мактабларда ёзадиган бўрга нега эътибор йўқ?!

Хатлар

тегирмон

сонида босилган «Ўзин жабрлаган аёл» номли мақолангни ўқиб чиқдим. Ундаги Аҳрор исмли болага жавобан мактуб йўллаяпман.

Аҳрор, сени шу ишга қўл уришингни биринчи сабаби синфдошларинг. Чунки, улар сенинг оилавий шароитингни тушунишмаган. Нимага? Балки, сен улар олдида ўз ишончингни йўқотгандирсан...

Иккинчидан, шу ишга қўл уришига ўзинг сабабчисан, чунки, сен синфдошларингни гапига қулоқ солиб хато қилгансан. Улар сени ўйинга киритмаган бўлсаларда, шу 75 сўмни даданг маош олганда берсанг бўларди-ку, ана шунда синфдошларинг уялиб қолар эди.

Учинчидан эса, сенга нотаниш бўлган, қўли эгри, ўз нафсини ўйлайдиган «чўнтакесар» боланинг гапига киришинг керак эмас эди. Чунки, ёшлигидан ўғрилиқни ўзига касб қилиб олган бундай болаларнинг ҳолига вой!



бу ишнинг қиламакани

Мен бу мақоладан ўзимга хос хулоса чиқардим. Мен бу мақолага оид яна бир ҳодисани айтиб бермоқчиман. Ҳа, бизнинг мамлакатимизда чўнтакесарлар кўпайиб кет-

Тошкентдаги  
105-мактабнинг  
6 «А»-синфидаги  
БАХС...

моқда. Бу ҳолни ўқувчиларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, мен бир кун автобусда кетаётган эдим. Автобус тикилинч, одамлар гавжум эди. Бир аёл ҳамёнини очди ва йул чиптасини олди. Ҳамёни эса очик қолди. Чамаси 12-13 ёшли бола ҳамёнга қўл узатиб пулларни олмоқчи бўлди. Аёл уни сезиб қолиб, болани койиб, автобусдан олиб тушиб кетди. Мен бундай болаларни кўриб ачиниб кетаман. Хурматли тенгдошларим. Илтимос, биз бу ишни қилмайлик.

Адҳам АХМЕДОВ.  
\*\*\*

Мен ўз кўзим билан кўрган ҳодисани айтиб бермоқчиман. Бир кун дадам билан «Чорсу» бозорига тушдик. Бир растада икки ёш йигит кўйлак, костюм

ларидир. Чунки, улар ўзбошимчалик қилиб коптокка пул йиғишган. Улар синф раҳбарлари билан маслаҳатлашиб пул йиғишганда бундай ҳолат содир бўлмасмиди.

Мурод ТУРСУНОВ.  
\*\*\*


Мен ўйлайманки, агар болалар Аҳрорни футбол командасига кўшишганида, бу хунук воқеа содир бўлмас эди. Лекин, Аҳрорнинг ҳам хатоси бор. Аҳрорнинг бу ишдан юз ўгиргани яхши бўлибди. Азиз тенгдошларим! Бундай ишлардан ўзингизни тийинг — деб хайқиргим келади.

Мақсад БОБОХОНОВ,  
\*\*\*

Аҳрор ўз қилмишидан куйиниб, виждони қийналди. Афсус, у барибир «ўғри» номини олди. Мени чўнтакесарларга маслаҳатим, эй одамлар, қандай ҳаддингиз сиғади, одамларнинг бир ой ишлаб тер тўкиб олган маошини ўғирлашга. Одамлар ойлаб ишлаб, тер тўкиб маош олсаларда, уни бир дақиқада йўқотиб қўйсалар, бу қандай даҳшат!

«Тонг юлдузи» газетаси, мен истардимки, шундай мақолаларни саҳифаларингдани бериб турсанг.

Асомиддин ЗИЁЕВ.



Ҳозирги бўрлар доскага ёзаётганда чизиб ташлайди. Ўчириб ташласак, унинг излари қолади, дарс ўтиш жуда қийин бўляпти. Мустақил мамлакатимизда тезроқ бўр заводини ишга туширишини илтимос қиламиз.

Улуғбек УМАРОВ,  
Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги, Улуғбек номли 22-ўрта мактаб 7-«А» синф ўқувчиси.

МАКТАБИМИЗ  
ТОМИДАН  
ЧАККА ЎТАДИ

Салом, сирдошим — газетам! Мен Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманидаги Ал Хоразмий номли мактабда ўқийман. Бу мактабда ўқувчилар учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Туман чеккасида жойлашган ушбу мактаб биноси жуда эски. Унинг устига. Бинонинг томи йўқ... Ёгингарчилик кунларида синф хоналарида дарс ўтишини ҳеч иложи бўлмайди. Чунки, ёмғир синф хонасига ёғади-да! Киш кунларида хоналарда болалар эркин ўтира олмайдилар. Иситиш ускуналари ишламайди. Қисқача қилиб айтганда, бу жойни мактаб деб бўлмайди. Шунақанги жойда ўқувчилар қандай билим олиши мумкин?! Дунёни тебратган бобомиз номи билан аталадиган мактаб, умуман олганда, ачинарли ҳолатда. Мен сендан ёрдам кутиб қоламан. Кадрдон газетам!

Бунёд БОБОЕВ,  
Ҳазорасп туманидаги Ал-Хоразмий номли мактаб ўқувчиси.

даёқ дарров эскиради. Бу чанглар ўқувчининг соғлигига зарар етказяптими ёки йўқми? Бу ҳол билан ҳеч кимнинг иши йўқ. «Ёшлик — бебошлик», дейишади. Спортга қизиққан бу «бебош» болалар теннис ўйнашга қизиқади-ю, аммо ноилож...

Ўзим ҳам теннис ўйнашга қизиқаман. Тошкентга келиб, теннис ўйнаш учун майдонларга борсам, пулолишар экан. 50 сўм, 100 сўм бўлса ҳам майли, 750 сўм!..

Бундай ҳолдан аламга тушиб, мен сенга ҳамма дардимни очиб сочдим, азиз газетам! Истардимки, биз томонларда ҳам теннис майдонлари иш бошласин! Нархи арзон бўлса жуда ҳам хурсанд бўлардик.

ЖАМШИД,  
Қашқадарё вилояти.

# ЁШ


# ИҚТИСОДЧИ

## YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова  
иқтисодий газета




### Мужда



Мен жавоб бераман...

### ВАТАН РАМЗЛАРИНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

Мен Мустақилликни - энг қутлуғ маънавий неъмат, деб тушунаман. Ватаним, халқим, миллатим деб яшайдиган ҳар бир инсон учун бу жуда қадрли ва тотли. Айнан мустақиллик туфайли биз ўз Байроғимизга, Гербимизга, Мадҳиямизга эга бўлдик. Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказида 18 ноябрь куни республика Давлат Байроғи қабул қилинганлигини 7 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди. Тўғарак аъзолари Давлат рамзлари ҳақида маърузалар тингладилар. Давлат рамзлари ҳақидаги суҳбатлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Бу тадбирда “Бошланғич техник моделлаштириш”, “Муқовалаш”, “Кийимларни моделлаш”, “Инглиз тили”, “Электрон ҳисоблаш машинаси”, “Физика”, “Тўқиш” каби тўғараклар фаол иштирок этдилар. Тўғарак аъзолари ўзларининг концерт дастурларини намойиш этдилар.



Тадбирда республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази маънавият ва ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Х.Т.Зокирова, кутубхона мудираси Г.М.Жалилова, услубчи М.М.Алимова тўғарак раҳбарлари ва бошқалар қатнашдилар.

Тадбиримизни томоша қилишга мактаблардан ҳам ўқувчилар ташриф буюрдилар. Ўқувчилар ва тўғарак аъзолари давлат рамзлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар.

**Комила ҚОДИРШОЕВА,**  
Республика ўқувчилар  
техник ижодиёт Маркази  
маънавият ташкилотчиси.

### „ШАРҚ“ НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИГА - ФРАНЦИЯ ОЛТИН МЕДАЛИ

Болалар! Сиз мутолаа қиладиган севимли газета-журналларнинг аксарияти, китобларнинг кўпгинаси “Шарқ” нашриёт-матбаа концернида чоп этилади. Шу жумладан, “Ёш иқтисодчи” ҳам мана шу даргоҳда тайёрланади.

Яқингинада ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлаган “Шарқ” сўнгги йилларда нашр-матбаа саноатини энг замонавий андозаларини ўзлаштирди. Буни республикамиздаги ҳар бир зиёли сезиб турибди.

Яхши маҳсулот, сифатли нашр бугун дунёда ҳам катта шуҳрат топди. Яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Франция саноати уюшмасининг Олтин Медали билан тақдирланди.

Мазкур Олтин Медалъ саноат, иқтисодиёт, савдо, фан ва техникада эришилган улкан натижалар учун берилади.

**А.ЖЎРАБОВ.**

### «АЛПОМИШ» БОҒИ ЯРАТИЛМОҚДА

Маълумки, келаси йилда мамлакатимизда “Алпомиш” достони тўйи нишонланади. Шу муносабат билан республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Термиз шаҳрида «Алпомиш» боғи яратилмоқда.

Бу масканда спорт мажмуи, меҳмонхона, кураш майдони, бассейнлар ва фавворалар қурилади. Боғнинг марказида эса афсонавий халқ қахрамони Алпомишнинг маҳобатли ҳайкали қад ростлайди.

### АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

13-14 ноябрь кунлари Термиз шаҳрида “Алпомиш” достони тўйи олдидан Алпомиш ўйинлари фестивали ва илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Термиздаги “Алпомиш” ўйингоҳи 2 кун мобайнида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган спортчилар, “Алпомиш”шунос олимлар, халқ бахшилари, фестивал қатнашчилари билан гавжум бўлди. Мамлакатнинг турли манзилларидан ташриф буюрган 300 дан ортиқ спортчи “Алпомиш” достонида тасвирланган “Минди”, “Тортишмачок”, “Бўрон” сингари ўйинларда куч синашдилар.

**М.АБДУЛЛАЕВ.**

### „УМИД“ БОЛАЛАРИГА - КЕНГ ЙЎЛ!

1997 йилнинг 7 январида иқтидорли ёшларни чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекисон Республикаси Президентининг “Умид” жамғармаси ташкил этилгани ёш иқтисодчиларимизга яхши маълум. Ўтган 2 ўқув йили давомида республикамизнинг юзлаб иқтидорли ёшлари жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг машҳур олийгоҳларида таҳсил кўрмоқдалар.

Яқинда, 18 ноябрь куни республикамиз Президенти бу жамғарма фаолиятдан янада самарали фойдаланиш тўғрисида фармойиш чиқарди. Унда жамғарма йўлланмаси билан пухта мутахассис бўлиб келган ёшлардан давлат ва жамият равнақи йўлида унумли фойдаланиш, уларга яхши яшаш ва меҳнат шароити яратиб бериш зарурати қайд этилган.

ЎзДЭУавто қуриб ишга туширилганидан бери ўтган қисқа давр ичида республикамизда автомобилсозлик саноати тез суръат билан ўсмоқда.

Авваллари автомобиль қисмлари чет элдан келтирилиб, Асакада йиғилар эди. Энди эса автомобилларнинг кўп қисмларини ўзимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Яна уч йилдан сўнг автомобиллар ойнаси ҳам ўзимизда тайёрланадиган бўлди. Фарғона уйсозлик компанияси базасида қайта шаклландиган корхона бир йилда 200 минг комплект автомобиль ойналарини ишлаб чиқаради.

### АВТОМОБИЛЬ ОЙНАСИ ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛанади



### ДЕНГИЗ КЕЛДИ, АКУЛА БИЛАН!

Тошкентдаги янги ҳайвонот боғининг энг қизиқарли бўлимларидан бири - “Аквариум” павильони қурилиши битказилди. Ишга тушган бу улкан павильондаги аквариумлар чучук сув ва сунъий яратилган денгиз суви билан тўлғизилди.

Аквариумга дарё ва денгиз жонзотларининг 250 хилига мансуб 9 мингдан ортиқ ақула, балиқ ва чи-

ғаноклар, денгиз юлдузлари сингари ўзбек болаларига нотаниш жонзотлар, унда бемалол яшай олади.

Бундай ажойиб «хона» ўзининг кўркамлиги, жонзотларга бойлиги ва шароити табиий денгизча ҳаётига мослиги жиҳатидан МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларида ягона.

Ҳа, азизлар, севимли ҳайвонот

боғингиз сизнинг ташрифингизга мунтазир. Сиз бу ерда она табиат ажойиботлари билан яқиндан танишасиз, мактабда олган билимларингизни амалиётда мустаҳкамлайсиз. Шунақа, сиз денгизга боргунингизгача, денгиз дўстингиз ўзи сизни йўқлаб келибди. Аниқроғи, меҳрибон давлатимиз сиз қувнашингиз учун ақулани денгизи билан Тошкентга келтириб қўйди.



# ЛИЗИНГ - КРЕДИТЛАШНИНГ

Ё.АБДУЛЛАЕВ

## ЯНГИ ШАКЛИ?

Юқори синф ўқувчилари учун

### ЛИЗИНГ КРЕДИТЛАШНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛИ?

Лизинг - бу заводларни, саноат товарларини, ускуналарни, кўзгалмас мулкларни мулк эгаси томонидан уларни ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун ижарага бериш тўғрисидаги шартномадир. Бунда товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олинган бўлади ва шу сабабли ижарага берилган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизинг шартномасида банклар ёки лизинг фирмалари ижарага берувчи ҳисобланади.

### ЛИЗИНГНИНГ ИЖАРАДАН ҚАНДАЙ ФАРҚИ БОР?

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг, уларни қолдиқ қиймати йиғиндисидан сотиб олиш кўзда тутилади.

### ҚАНДАЙ ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТЛАРИНИ БИЛАСИЗ?

Йирик халқаро лизинг ташкилотларидан "Эбиклиз" ни ва миллий лизинг ассоциацияларининг Европа федерацияси (Лизюрп)ни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. "Эбиклиз" Голландия, Италия, Германия, Австрия, Буюк Британия, Бельгия ва Франция давлатларидаги лизинг компанияларини бирлаштиради. Бу ташкилот кўпчилик ҳолларда халқаро лизинг битимларини амалга оширишда воситачи вазифасини ўтайди.

"Лизюрп" 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 17 та мамлакатнинг 700 та лизинг компаниясини бирлаштиради.

### ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Халқаро лизинг ташкилотларининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- буларга аъзо мамлакатларнинг қонунчиликларини ўрганиш ва таққослаш;
- барча ҳуқуқий, солиқ, молиявий масалаларни ҳал этиш;
- лизинг битимларининг шартлари тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш;
- лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш.



Тадбиркор бола

### АҚШДАГИ ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ Тўғрисида НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

АҚШда лизинг бой кишиларда пайдо бўлади. Ҳозирги вақтда лизинг ёрдамида амалга ошириладиган жаҳон савдо айланмасининг тенг ярми АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШда лизингни юксак суръатларда ривожланишининг муҳим сабабларидан бири инвестициявий солиқ имтиёзи эди. Бунга янги инвестициялар йиғиндисининг 10 фоизигача солиқ йиғиндисидан чиқариб ташланар эди. Масалан, асбоб-ускуналар сотиб олиш харажатлари 100 минг доллар дейлик, солиқ имтиёзи 10%, солиқ йиғиндисидан 10 минг доллар чиқариб ташланади.

### ФРАНЦИЯДАГИ ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ўзига ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ НИМАДА?

Францияда 1967 йилда "Локафранс" номли биринчи лизинг компанияси юзага келди. Ҳозирги кунда кенг турдаги товарлар, самолёт ва вертолётлар, ҳисоблаш техникалари, тиббий асбоб-ускуналар, саноат дастгоҳлари ва ҳоказолар лизинг ёрдамида ишлатилмоқда.

Францияда лизинг операцияларининг куйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 1%идан 7%игачани ташкил этади;

- ижара тўловлари ойда 1 марта, 3 ойда, 6 ойда ва йилда тўланади;

- у ерда кўзгалмас мулкларнинг лизинги кенг ривожланган.

Бундай лизинглар, одатда 15-20 йил давом этади. Бу соҳадаги энг йирик ташкилот СИКОМИ бўлиб, у акцияли компаниядир. Ҳозирги кунда 10 млн. франкдан ошиқ низом фондига эга.

### GERMANYADA ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ХУСУСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Ҳозирги кунда Германияда кўплаб лизинг компаниялари учрайди. Улардан 57 таси немис лизинг ассоциацияси таркибига киради.

Лизинг соҳасидаги энг йирик ташкилотлардан иккитасини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар - "Митфинанц Гимбх" ва "Гефа-лизинг Гимбх".

"Митфинанц Гимбх" 1962 йилда ташкил этилган.

"Гефа-лизинг Гимбх" 1968 йилда ташкил этилган. Ўзининг ҳозирги кунгача бўлган фаолияти мобайнида, у ўз миқозларига 3 млрд. немис маркаси миқдоридан устуналарни ижарага берди.

### АВСТРИЯДАГИ ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Австрияда ижаранинг ўртача муддати лизингга берилаётган предметнинг ишлатилиши муддатига қараб 2 йилдан 15 йилгача бўлган вақтни ташкил этади. Шартнома муддати тугагандан сўнг, ижарачи предметнинг қолган ишлаш муддатига янги лизинг шартномасини тузиши мумкин ёки лизинг предметини сотиб олиш тўғрисидаги музокарани бошлаши лозим. Австрияда лизинг муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

Австрияда лизингнинг ривожлана бошлаганига 25 йил бўлди. Лизингга ҳатто болалар боғчалари ва мактаблар берилди.

Австрияда "Райфанзен лизинг"ни етакчи лизинг фирмалардан бири сифатида мисол келтириш мумкин.

### ИТАЛИЯДАГИ ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ Тўғрисида НИМАЛАР ДЕЯ ОЛАСИЗ?

Италияда биринчи лизинг компанияси 1963 йилда пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда Италия лизинг ассоциацияси 50 та компанияни ўз ичига олади.

Йирик лизинг компанияларидан "Локафит"ни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. "Локафит" ер текисловчи машиналарни, қишлоқ хўжалик машиналарини, бош идора (офис)лар учун ускуналарни, компьютерлар, кўзгалмас мулк, транспорт воситалари (самолётлар, кемалар, автомобиллар ва ҳоказолар)ни лизингга беради.

"Локафит"нинг Германия, Франция, АҚШ, Испания, Хитойда қўшма корхоналари мавжуд. Шунингдек, Югославия ва Венгрия билан лизинг операцияларини амалга оширади.

### ЯПОНИЯНИНГ ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТЛАРИ ХУСУСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Япония лизинг операциялари ривожланган мамлакат ҳисобланади. Японияда энг йирик лизинг компанияларидан бири "Century Leasing System" бўлиб, у 1969 йилда ташкил топган. Унинг тўпланган низом капитали 584 500 000 иенни ташкил этади. Бу компания Гон-Конгда, Сингапурда, Буюк Британияда ўз филиалларига эга. Битта тижорат банки, битта савдо ва иккита суғурта компанияси "Century Leasing System"нинг акционерлари ҳисобланади.

### ШВЕЦИЯДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА

### ОШИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Швецияда лизинг операцияларининг ривожини 60-йилларнинг бошларига тўғри келади. Ўша пайтларда лизингдан кичик ва ўрта компаниялар фойдаланар эди. Гап шундаки, бу пайтда махсус банк қонунчилиги мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир банк ўзининг кўпчилик ссудалари учун таъминланганлик бўлишини талаб этар эди. Лизинг бу ҳолатни енгиллаштирди, чунки бунда кредит берувчи асбоб-ускуналарнинг эгаси ҳисобланади.

Дастлабки пайтларда қайта сотиб олиш тўғрисида шартномалар тузиларди, бу шартномаларга кўра асбоб-ускуналар етказиб берувчи корхона ёки мижоз лизинг бўйича ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда, ускуналарни қайта сотиб олиш мажбуриятини оларди. Ҳозирги кунда бундай қайта сотиб олиш шартномалари Швеция лизинг амалиётида жуда кам қўлланилади. Ижаранинг асосий муддати 3-5 йилни ташкил этади. Камдан-кам ҳолларда бу муддат 9 йилгача чўзилиши мумкин.

### ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИДА МАВЖУД бўлиши ШАРТ ҲИСОБЛАНГАН ЭЛЕМЕНТЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Лизинг шартномаси куйидаги элементларни албатта ўз ичига олган бўлиши лозим:

- 1) лизинг объекти;
- 2) етказиб бериш муддати;
- 3) ижара муддати;
- 4) ижарага берувчининг мулк ҳуқуқи;
- 5) хавф-хатар, жавобгарлик, ускунанинг соз эканлиги;
- 6) ускуналардан фойдаланиш йўриқномалари;
- 7) ускунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш;
- 8) зарарлар, тасодифий ҳодисалар;
- 9) суғурталаш;
- 10) ижара тўловлари;
- 11) тўловни кечиктиргани учун жарима;
- 12) сотиб олиш имконияти;
- 13) шартномани бекор қилиш шартлари;
- 14) ускунани қайтариш вақти;
- 15) солиқлар;
- 16) томонларнинг қўшимча ҳуқуқлари;
- 17) лизинг шартномасининг кучга киришини кечиктирувчи шароитлар;
- 18) зарур маълумотларни етказиш мажбурияти;
- 19) томонларнинг жойлашган ўрни;
- 20) банкнинг кафолати.



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
 КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:  
 700029, Тошкент шаҳри,  
 Мустақиллик майдони,  
 2-уй, 402-хона,  
 (Музаффар ПИРМАТОВга)

**ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР**

Янги ўқув йилидан бошланган  
 "Иқтисодиётдан сабоқлар" сиртқи мактаби конкурси  
 давом этмоқда.

Конкурс "Ёш иқтисодчи" илова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари, фан номзодлари Эргашвой САРИҚОВ ва Баҳодир ХАЙДАРОВлар билан ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақасини тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон

қилиб борилади. 3-4 та газетада берилган топшириқларни тўплаб, 1 та хат жилдда юборишингиз ҳам мумкин.

Бу савобли иш Халқ таълими вазирлигининг республика Таълим маркази, "Камолот" жамғармаси қошидаги Ёшлар муаммолари институти, Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан қўйидаги мукофотлар таъсис этилган:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига - телевизор;

2-ўринни эгаллаган ўқувчига - стерео магнитофон;

фаол қатнашган 10 та ўқувчига - аудио-плеер

Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида ўтказилади.



**II - ДАРС**

**ИШ ҲАҚИ**

Ҳар бир корхонада турли хил касбдаги кишилар меҳнат қилишади. Меҳнатларига яраша иш ҳақи олишади.

Иш ҳақи ўз оти билан бажарилган ишга берилган ҳақ, яъни пулдир. Ишчи корхонада бирор ишни бажариш учун меҳнат қилади. Ўз жисмоний кучи ва ақлини сарфлайди. Шу меҳнатининг эвазига маълум миқдорда пул олади. Ҳудди шу пул миқдорида **иш ҳақи** деб аталади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш мезонлари турлича бўлиб, турлича ном билан юритилади.

Бажарилган иш ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақи, **ишбай иш ҳақи** деб аталади.

Ишни бажариш учун кетган вақтга қараб тўланадиган иш ҳақи - **вақтбай иш ҳақи** деб аталади.

Баъзи корхоналарда иш ҳақи ишбай, баъзиларида эса вақтбай бўлади. Бу бажариладиган иш хусусиятларидан келиб чиқади.

Одатда, кўпчилик корхоналарда иш ҳақи вақтбай бўлиб, бир ойда бир (ёки икки) марта берилади. Шу сабабдан, иш ҳақини - ойлик, ойлик маош деб ҳам аташади.

Масалан, мактабда ўқитувчилар вақтбай иш ҳақи оладилар. Улар бир ой давомида ҳар ҳафтада 16 соатдан дарс ўтишлари лозим. Бунинг эвазига уларга маълум миқдордаги пул - иш ҳақи тўланади. Агар ўқитувчи бир ҳафтада 16 соат эмас 32 соат дарс ўтса, унга мос равишда белгиланганидан икки марта кўп маош берилади.

Баъзи ишлаб чиқариш корхоналарида иш ҳақи ишбай, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига қараб белгиланади. Масалан, корхона ишчининг станокда тайёрлаган ҳар бир деталига 100 сўм миқдорда ҳақ тўлайди. Агар ишчи ой давомида 60 дона детал тайёрласа, шунга мос

равишда ойлик иш ҳақи  $60 \cdot 100 = 6000$  сўмни ташкил қилади. Агар 80 та детал тайёрласа,  $80 \cdot 100 = 8000$  сўм иш ҳақи олади.

Маълумки, турли касб эгалари, турлича иш ҳақи олишади. Нега шундай деб ўйлайсиз? Иш ҳақи миқдори нималарга боғлиқ?

Албатта, иш ҳақи миқдори энг аввало иш бажарувчининг тажрибаси, билими, маҳоратига ва малакасига боғлиқ бўлади. Шу сабабдан, бир хил ишни бажаришларига қарамасдан, билимли, малакали ишловчининг иш ҳақи кўп, билимсиз ишловчининг иш ҳақи эса кам бўлиши табиий. Чунки билимли, малакали ишловчи ишни сифатли ва унумли бажаради. Иккинчи томондан, у билим ва малакани эгаллаш учун қанча маблағ, вақт ва кучини сарфлаган. Шу боис, унинг иш ҳақи шу чиқимларни қоплаш учун ҳам юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Унда, нега кончи-шахтёрнинг маоши ўқитувчиникидан юқори? Ахир ўқитувчи бу касбни эгаллаш учун шахтёрга қараганда кўпроқ ўқиган-ку?

Ҳақиқатан, шахтёр бўлиш учун кўп ўқиш шарт эмас. Ҳамма гап шундаки, шахтёр иши ниҳоятда оғир, ҳаёт учун хавфли. Лекин давлат учун, ҳаммамиз учун жуда керакли иш. Шу сабабдан ҳам шахтёрлар ўқитувчиларга қараганда кўпроқ маош олишади. Акс ҳолда, ҳеч ким кўмир қазии билан шуғулланмаган бўлар эди.

Айтайлик, сиз билимли, малакали ишчисиз. Оғир ва ҳаёт учун хавфли ишни бажараяпсиз. Бундан сизга юқори иш ҳақи белгиланиши лозим, деган хулоса чиқариш мумкин эканда?

Йўқ, албатта. Чунки энг аввало сизнинг меҳнатингиз кимгадир керак бўлиши, сизнинг меҳнатингиздан жамиятга наф тегиши лозим. Акс ҳолда, ҳеч кимга кераксиз фаолият учун ким ҳам сизга пул беради?

**II - ТОПШИРИҚ**

**ИШ ҲАҚИ**

1. Вақтбай иш ҳақи оладиган мутахассисларга тўртта мисол келтиринг.

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

2. Ишчи ҳар бир тайёрлаган детали учун 80 сўм пул олади. Агар ишчи ойнинг биринчи 10 кунлигида 10 та, иккинчи ўн кунлигида 15 та ва учинчи ўн кунлигида 18 та детал тайёрлаган бўлса, унинг ойлик маоши қанча бўлган?

Жавоб: \_\_\_\_\_

3. Қўйидаги фикрга қўшилсангиз мос квадратча ичига "+", қўшилмасангиз "-" белгисини қўйинг

- Фермер хўжалигида сут соғувчига вақтбай иш ҳақи белгилаш керак.
- Тиш даволовчи врачга олган тишларига қараб ишбай иш ҳақи белгилаш керак.
- Ўқитувчиларга қўйган "беш" баҳоларига қараб иш ҳақи белгилаш керак.
- Кончиларга қазиб чиқарган кўмирлари миқдорига қараб ишбай иш ҳақи тўлаш керак.
- Расомларга чизган расмлари сонига қараб иш ҳақи белгилаш керак.
- Қоровулларга вақтбай иш ҳақи белгилаш керак.

4. Бир хил ишни қилаётган ишчиларнинг ҳар хил миқдорда иш ҳақи олишининг сабаблари нималар бўлиши мумкин?

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

5. Ишбай иш ҳақи оладиган мутахассисларга тўртта мисол келтиринг.

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

6. Ходимнинг кунлик иш соати - 8 соат қилиб белгиланган. Маълум сабабларга кўра, у келгуси ойда кунига 4 соатдан ишлайдиган бўлади. Агар ходимнинг маоши 6600 сўм қилиб белгиланган бўлса, у келгуси ойда қанча маош олади?

Жавоб: \_\_\_\_\_

7. Врач ва трамвай ҳайдовчисининг, қай бирлари юқори ойлик олишади? Нега шундай? Изоҳланг.

Жавоб: \_\_\_\_\_

8. Қўйидаги касб эгаларининг ойлик маошлари миқдорининг камайиш тартибидан жойлаштиринг.

Ўқитувчи, банкир, автобус ҳайдовчиси, тадбиркор, компьютер дастурчиси, олим, қоровул, фаррош, шахтёр.

- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_
- \_\_\_\_\_

9. Оилангизда ишловчиларнинг касби, ойликларининг ҳажми ва турини суриштириб билинг ва жадвални тўлдириг.

N	Оила аъзоларининг номи	Касби	Ойлик маош тури	Миқдори
1				
2				
3				
4				

Исм-шарифингиз \_\_\_\_\_  
 Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз \_\_\_\_\_





Кашфиёт

ЮРАК ҲАМ ЎСАРКАН!

Буюк Британия, АҚШ, Канада ва Швейцария олимлари ҳаморликда 5 йилдан бери лабораторияда сунъий юрак ўстиришга ҳаракат қилдилар. "Санди таймс" газетасида ёзишларича, ўстириладиган (яратиладиган) юрак учун "уруғлик" бемор одам танасининг бирор қисмидан олинади. Бу "уруғ" лаборатория шароитида "боқиб" ўстирилади ва зарур вақтда одамнинг хаста юраги ўрнига ўрнатилади.

Шу вақтгача тиббиётчи олимлар мана шундай усул билан тери, кекирдак, мускуллар ва суякларни сунъий равишда ўстириб, уларни муваффақиятли қўллаётган эдилар. "Ўстирилган" ҳақиқий қулоқлар ҳам кўп одамлар вужудига ўзлашиб кетган.

Энди зарур бўлиб қолганда касал юрак ўрнига бошқа бировнинг юрагини кўчириб ўрнатишга зарурат қолмайди. Беморнинг ўзидан ундириб олинadиган юраги бўлади.

Лекин... унгача ҳали иш кўп. Бу иш яна 10 йилдан сўнг ҳаётга жорий этилиши кутилмоқда.

19 ноябрь - Халқаро кашандаликка қарши курашиш куни

ТАМАКИ ТУТУНИ УЧАР БУРАЛИБ,  
ТУТУНДА СОҒЛИГИНГ КЕТАР ЎРАЛИБ!

ТАМАКИ ИНСОН УМРИНИ ЎРТАЧА  
25 ЙИЛГА ҚИСҚАРТИРАДИ

Болалик ҳамма нарсага қизиқиш билан қарайдиган давр. Ўзидан катталар завқланиб қилаётган ишни болалар ҳам ўргангиси, уни такрорлагиси келиши рост. Лекин...

Лекин катта ёшдаги кишилар куни билан оғир ишларни ҳам бажаришади. Аммо кўпгина болалар буни ҳавас қилишмайди. Катта кишилар кўп касал бўлишади, буни ҳам ҳеч қайси бола ҳавас қилмайди-ку. Янада даҳшатлиси - катта ёшдаги кишилар бу оламдан кўз юмишади - вафот этишади. Ҳаргиз, ҳаргиз бу ҳавас қиларли иш эмас. Худо у кунни узок қилсин.

Ҳа, катта ёшдаги одамларнинг ҳатти-ҳаракатларини ўйламай қайтаравериш ақлдан эмас. У ҳолда...

Ҳай, пастқам ерга биқиниб сигарета чекаётган бола. Ичинга нималар ютаётганини биласанми? Хойнаҳой биямай туриб, шунчаки даданга ёки кўчадаги бирор олифтага тақлид қилиб лабинга тамаки қистирган бўлсанг керак. Эшит, болажон: ранго ранг қутиларга жойланган бу оғу бошинга нималарни солиши мумкин.

Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкоти берган маълумотларга кўра тамаки инсонни 25 хил касалликка дучор қилади.

Тамаки, аввало, ўпка раки касалли-

гининг уяси. У бошқа органларда ҳам саратон (рак) хасталигини, юрак инсулти, зикқинафас (бронхиал астма) каби хатарли касалликларнинг бош сабабчиси.

Юрак-қон томир хасталиги билан вафот этаётган беморларнинг 70 фоизи чекувчи-кашандалар. Тамакида захарли никотин моддасидан ташқари яна 3400 хил зарарли моддалар бор. Чекаётган одам тарқатаётган тутундаги захарли моддаларнинг учдан икки қисми ҳаво орқали атрофдаги одамларга сингийди. Мутахассисларнинг фикрича, чекаётган одамга нисбатан, унинг атрофдаги одамлар кўпроқ захарланишаркан.


Аниқ маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили 3,5 миллион одам тамаки чекиш оқибатида вафот этмоқда.

"У ҳолда нега турли хил сигаретлар ишлаб чиқаришади? Нега сотишади? Нега реклама қилишади?" дейсизми?

Сиз - ҳақсиз. Лекин юқорида айтганимиздек, бу дунёда катталар қанақа бемазагарчиликларни қилмайди дейсиз! Уларнинг кўпи пул ишлаб олиш учун. Сиз ўзингизни ўйланг. Соғлом бўлишни, ақлли йигит бўлиб ўсишни, узок яшашни ўйланг. Мана, масалан мен чекмайман.

Музаффар ПИРМАТОВ.

ДУМЛИ ЮЛДУЗ ЁМҒИРИ



Шу йилнинг 18 ноябрь куни осмонда метеорит ёмғир ёғди. Бу коинотдаги комета думининг атмосфера билан тўқнашуви натижасида юз берди. Бунақа "юлдуз ёғди" ҳодисаси ер юзидан бундан 33 йил олдин содир бўлган эди. Лекин олимлар сўнгги вақтларда ерга улкан комета тушиши эҳтимоли борлигини башорат қилишган ва ерда катта ҳалокат юз бериши мумкин, деган қаттиқ ташвишда эдилар. Ўрта асрларда яшаган башоратчи Нострадамус ҳам айнан думли кометанинг парчаланишидан ҳосил бўладиган метеорит ёмғири ерда ҳаётни тугатади, деб башорат қилган эди. Бу тусмол ҳам замондош олимларимизнинг илмий фаразларини янада ваҳимага чулғаб турган эди.


Йўқ, ҳайрият, инсониятни Худонинг ўзи асради.

Кометанинг айрим парча-парча тошлари фазода секундига 80 км. тезликда учиб юрган "Мир" станцияси деворидан урилган. Учишни бошқариш марказининг маълумотига кўра, комета парчалари "Мир" станциясига етказган заргар мингдан бир фоизни ташкил қилади, холос. Станциядаги фазогирлар эса ўша тунда одатдагидек бемалол ухлашди.

"Труд" газетаси,  
19 ноябрь.

КИМНИНГ ОШҚОВОҒИ КАТТА?

Японияда бўлиб ўтган ошқовоқ кўрик-танловида Хоккайдо оролида яшовчи деҳқон етиштирган ошқовоқ бош соврин билан тақдирланди. Унинг оғирлиги 439,5 кило. Бу - аввалги жаҳон рекордидан ярим кило оғир дегани.




Хоккайдолик бу ғолиб ошқовоқ энди Сан-Францискода бўладиган жаҳон кўрик-танловида намойиш қилинади.

ЎТГАН СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН  
„ГУГУРТ ЧЎПЛАРИДАН ШАКЛЛАР  
ЯСАШ“ ВА „ҒИШТ ВА ҒИШТЧА  
ОҒИРЛИГИ“ БОШҚОТИРМАЛАРИНИНГ  
ЖАВОБЛАРИ

Маълумки, 8 та гугуртчўпнинг умумий узунлиги бир хил. Томони узунлиги бир хил шакллар орасида эса юзи энг катта шакл айлана. Аммо гугуртчўпларидан айлана ясаб бўлмайди. Айланага яқин шакл эса айлана ичига чизилган кўп ёқли кўпбурчакдир. 8 та гугуртчўп ёрдамида саккиз ёқли кўпбурчак ясаш мумкин:

Демак, 8 та гугуртчўп ёрдамида ясалиши мумкин бўлган юзи энг катта шакл, бу - 8 ёқли кўпбурчакдир.



\*\*\*


Ғиштчанинг оғирлиги 1 кило бўлади (4 кг/4 марта) деб ўйлаганлар янглишадилар. Чунки ғиштчанинг фақат узунлиги ғишдан 4 марта кичик эмас, балки унинг 4 тала томони ҳам 4 марта кичик. Демак, ғиштчанинг ҳажмини топиш учун унинг бўйи ҳам, эни ҳам, баландлиги ҳам 4 марта кичиклигини эсланг. Яъни, қурилиш ғиштининг томонлари ғиштча томонларидан 4 мартадан катта, яъни 4 марта х 4 марта х 4 марта = 64 марта.

Шу тариқа тўғри жавоб бундай:  
4000 грамм : 64 марта = 62,5 гр.

Бошқотирма

СОНЛАР ҒИЛДИРАҒИ

Берилган расмдаги бўш доираларга 1 дан 9 гача бўлган сонларни шундай жойлаштирингки, рақамлардан биттаси ўртада-марказда, қолганлари эса атрофда бўлсин. Доиранинг диагонали, яъни ғилдиракнинг ўқи бўйлаб учала сонларни қўшганда ҳаммасида натижа 15 чиқсин.



КУЗ ҲАМ ГУЛ ФАСЛИ

Кўпгина гулларни кузда ҳам кўпайтириш, экиш мумкин. Масалан, атиргул кўчатини кузда ўтқазилса, у келаётган баҳордаёқ гул очади. Бунинг учун кўчат илдизи кўздан кечирилади, унинг узун томирлари кесилади, синган ва чириган жойлари олиб ташланади. Тайёрланган чуқурчага озроқ тупроқ ташланади ва устига гулкўчатни илдизлари текислаб қўйилади. Тупроқни бир оз зичлаб, парник чириндисидан солинади.

Атиргуллар қаламчадан ҳам кўпайтирилиши мумкин. Бунинг учун бу йил гулла-

ган шохларни кесиб, бекор ерга ташланган. Гуллаб бўлган новдаларнинг ўрта қисмидан 10-12 см. кесиб олиб, барглари юлиб ташланг ва тупроққа чуқурроқ қилиб санчинг (қаламчаларни бир-бирига яқинроқ экиш керак). Қаламчаларнинг ҳавода очик қолган қисмини арра-тўпон билан ўраб қўйинг.

Пиёзли гулларнинг илдиз пиёзини йигиб олиб, уларни кум тўлдирилган яшикларга жойлаб, илиқ хона ёки ертўлага қўйишни унутманг. Гулпиёзларни 0 даража совуқда музлаб қолишини ёдда тутинг.

СУТИ МАЛҲАМ ТУЯЖОН...

Уфа шаҳрида Рихард Зорге кўчасида яшовчи кишилар яқинда қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлишди: ҳовлиларнинг бирида икки ўрқачли баҳайбат туя бемалол чўкиб-ётарди. У атрофдагиларга сира парво қилмас, ҳеч кимдан ётсирамас эди.

Бу хабар Уфа давлат цирки ходимлари қулоғига етиб борди, улар келиб бу туяни "танишмади". Кечга бориб маълум бўлишича, бу беозор жонивор шаҳар болалар сил касаллиги санаториясининг малҳамжони экан.

Маълумки, ўпкаси шамоллаган ёки сил касаллиги билан оғриган болалар туя сутини ичсалар, тез тузалиб кетадилар. Шунинг учун санаторий маъмурияти бемор болаларга янги соғилган туя сутини ичириш мақсадида шифохонада туя асрар экан. У ўша куни сутини вақтида соғиб олишмагани учун "аразлаб" кетиб қолган экан... Мехрибонга меҳр керак, деб шунга айтсалар керак-да!





## „ОИЛА ВА ЭКОЛОГИЯ



### БОЛАЛАР НИГОҲИДА



Мусичаи беозор. Бунча содда бўлма-са бу қуш!

Деразанинг шундоққина кўча томондаги токчасига, тунуканинг устига бир жуфт мусича ин қуряпти. Офтобдан ҳимояловчи тахта тўсиқ очик турганлиги учун, бурчакка озгина соя тушиб турибди. Мана шу бурчак бўлажак “кошона” учун жой сифатида танланган. “Қурилиш” бир неча кундан бери авжида. На эрталаб, на қоқ тушда тиним бор, жониворларга. Биттаси пастга чаққонлик билан шўнғийди-да, ўтлар орасидан, дарахтлар тагидан “қурилиш материали”ни қидиради. Толмас оёқчалари билан пилдираб юриб, ҳар бир ҳас-чўпни тумшугида тортқилаб кўради. Ўйлаб қоламан, шуларга мазза-да,

## ИБРАТ НАЗАРИ БИЛАН БОҚИҲ!

“қурилиш материали” топаман, деб қайларгадир елиб-югурмайди, фалон пулга ёғоч, цемент, қум-шағал, эшик-ром... олиш тўғрисида ўйламайди. Йўл ҳақиқа пул тўлаш, яхши уста топиб, хизмати учун “рози қилиш” каби гаплар умуман йўқ буларда. Қурилиш ашёлари - ана, ерда сочилиб ётибди. Кучнинг етганича ол-у жойига ўрнат-қўй, тамом-вассалом! Кейин ошёнга бир жуфт қимматбаҳо тухумни кўядилар-у бир олам яхши ниятлар билан босиб ётаверишади. Нар мусича “малика”нинг атрофида парвона. Гоҳида жуда гурурланиб, тантанали оҳангда “гу-гу”лаб ҳам кўяди.

Эҳ, ҳозирча булар бизнинг “қўшни”, яъни манови мусичаларга ширин орзу, холос. Биттаси уяда туриб, келтирилган ҳас-чўпларни жой-жойига ўрнатапти. Менимча, у ҳозир тасаввурдаги энг фаройиб муҳандислик гоёлари амалга оширяпти. Балки ўзи кўрган қайсидир жинсдоши (балки қавмдоши дейилса тўғримики?), яъни бошқа бир мусичанинг инидан ҳам “чиройлироқ” қуришни ўйлаётгандир? “Қуш уясида кўрганини қилади”, дейилган нақл бу ерда сал тўғри келмайди, чунки, ота-



оналари ошён ташвишини қилганларида булар ҳали яралмаган, фақатгина “режалаштирилган” эдилар, холос. Бинобарин, “волидаи меҳрибон ва падари забардаст”нинг қурувчилик маҳоратларини булар кўрган эмаслар.

Ҳа, жониворлар Аллоҳнинг беғуноҳ, безарар мавжудотларидир.

Инсондан фарқ қилиб, уларнинг қадрли ошённида меҳмонхона, ошхона ва ҳоказо каби бўлмалар кўзда тutilмаган. Неча асрлардан бери шу аҳвол, уларнинг “қурилиш технологияси”да ҳеч қандай ўзгариш йўқ!

Мана, уянинг бўлажак соҳиби тумшугида навбатдаги чўп билан келиб кўнди. Бу ерда узок вақт тўхтаб қолиш йўқ. Чўпни кўйдими, бас, яна дарров парвозга шайланади. Вақт - олтиндан қиммат. Уяга кўнганида атиги бир неча


“оғиз” ўзаро “гу-гу” дейишади, тамом. Балки Мусича-бека ўз тилида “ҳорманг, адаси” дегандир? Бу “ширин сўз”дан Мусича-бекача завқланди шекилли, бу гал аллақандай ўйинқароқ ҳаракатлар билан учиб, анча нарига бориб кўнди. Эҳ, беозор жониворлар! Табиатни кузатиб, ўйга толасан киши, ҳайратларнинг эса чеки бўлмайди. Мана бу мусичаларни кўринг, уларда қимматбаҳо совғалар ҳам, тилло-ю дур, “мерседес”лар ҳам йўқ. Иғво-ю ҳасад, кин-адоват, муттаҳамлигу қаллоблик... ҳам йўқ! Буюк Ғёте: **“Ҳикматларга тўла ягона китоб бу табиатдир”**, деганида нақадар ҳақ бўлган. Кунда кўзимиз тушадиган мавжудотларни кузатиб, одам нималарни ўйламайди дейсиз! Кимдир бунга умуман эътибор бермайди. Негаки, вақти йўқ унинг, тирикчилик, савдо-сотик, бозор-ўчар... дегандай. Оёқ остида ўралашувчи аллақандай мусича билан кимнинг иши бор? Кимгадир ҳатто бу қушча бир луқмагина ширин гўшт бўлиб кўринса ҳам эҳтимол. Йўқ, йўқ. Табиатга ибрат олиш назари билан боқинг, одамлар!

**БАХТИЁР** кузатди.

**Тошкент вилояти,  
Бекобод шаҳридаги  
3-ўрта мактаб  
ўқувчиси  
Севара АШУРОВанинг  
танловга юборган  
навбатдаги ижодий  
ишлари.**



“Георгина”.



“Лолалар”.




“Гулсафсар”.



Доривор ўсимликлар.




Доривор ўсимликлар



“Натюрморт”.



## ЎРГИМЧАК УЯСИ НИМАДАН ТЎҚИЛАДИ?



Ўргимчакларда кўпчилигимизнинг хаёлимизни қочирган нарса унинг уяси. Аслини олганда, ўргимчак жуда кўп тарафдан гаройиб махлук.

Ўргимчаклар турига қараб барча иқлим шароитида, ҳавода ҳам, сувда ҳам, ерда ва тупроқда ҳам яшайди. Баъзи бирларининг катталиги 8 сантиметрга етади, бошқалари эса базур кўзга ташланади. Айрим турлари йил бўйи сув ичмаслиги мумкин, кенжа бир тури-катта ўргимчак бўлиб, қушлар билан озиқланади ва 15 йилга қадар ҳаёт кечирилади. Аммо кўплари бир йилгача яшайди. Энг муҳими, ўргимчаклар ҳашорат эмас. Улар “ўргимчаксимонлар” деб аталмиш гурӯҳга кирилади. Улар ҳашоратлардан оёғининг олти тата эмас, саккизталиги, 8 та кўз ва танасининг икки қисмдан ташкил топгани билан ажралиб туради.

Ўргимчаклар уяси учун ишлатадиган толаларни ошқозон безларидан ажратиш чиқаради. Ўргимчак толаси ошқозон ичида жойлашган тўқима аэзолярдаги кўп кичик тешикчалардан чўзилиб чиқади. У суюқлик тарзида пайдо бўлади ва ҳавода дарров қаттиқлашади.

Толаларнинг бир неча: ўлжа тутишга асқотадиган ёпишқоғи; устунларни кўтариб турадиган қаттиғи, унга ёпишмайди; тухум қўядиган пилла турлари мавжуд. Уларнинг бирлари юмшоқ ва момик, бошқалари қаттиқ ва дағалдир.

Ўргимчаклар бу толаларнинг ҳаммасини тўқий оладилар. Филдираксимон ўргимчак уясида фақат ўлжа тутишда фойдаланилади. Аввалига “пойдевор”-нотўғри тўртбурчак шаклидаги нафис ташқи оғир толалари тортилади. Кейин 3-4 та бурма турларни тутиб турадиган филдирак кегайлари тузиб чиқилади. Энг охирида, очик бўшлиқни қалин ўрайдиган ёпишқоқ бурма тўрлар пайдо бўлади.

Ўргимчак уяларининг яна бир тури ўргимчак барг уя дейилади. У толаларнинг ясси воронкасимон ёки гумбазсимон сиртидир. Ўргимчак тескари ётади.

Ўргимчак “тешик”ни шиша оғзига ўхшатиб ясайди. У тепасида бўлади. Бу уяни шох-шабба ва тупроқдан пана қилиб туради. “Бўри” ўргимчалар ер тагида йўл қазиб, уни тола билан боғлайдилар. Европада сув ўргимчалари ўз кўнғироқсимон уяларини тўғри сув тагида қурадилар. Ўргимчак уни ошқозон қивчинларида ташқаридан олиб келган ҳаво билан тўлдиради. У бу ерда тухум қўяди, болачаларини то мустақил уя қуриш даражасига етгунча шу ерда боқади. Айтганча, ҳамма ўргимчаклар уя тўқийвермайди. Баъзилари барг ва пўстларда бир хонали уйлар қуриб олади.

## ҲАШАРОТЛАР БИР-БИРИ БИЛАН ГАПЛАШАДИМИ?



Олимлар ҳашаротларнинг бир-бири билан ҳид ёрдамида гаплашишини анчадан буён тахмин қилишарди. Бироқ феромонни кашф этиш бизнинг замондошимизга, немис биокимёгари Адольф Бутенандтга насиб этди.

Ўттиз йил олдин у феромон - тўрт миллиграмм оғирликдаги қимматбоҳо ёғли суюқлик ажратиш олишга эришди ва бу модданинг кимёвий тарки-

бини аниқлашга муваффақ бўлди. Бугунги кунда биргина ҳашаротларда юздан ошиқ феромонлар мавжудлиги маълум. Уларнинг таркибида турли кимёвий моддалар бор. Умуман олганда, ҳашаротларнинг ҳид тилини билиши эътиборга лойиқдир. У капалаклар, кўнғизлар, капалаққуртлар, ниначилар, хонқизилар, искабтопарлар, умуртқасизлар синфининг бошқа судралувчи ва қанот қоқувчилар вакиллари ҳатто феромон аралашмаси жуда кам бўлган, бир неча чақирим наридан юборилган кимёвий сигналга сўзсиз итоат этадилар.

Феромонлар анча кучли бўлади. Улар ҳашаротларни ўзига жалб этиши ва кўрқитиши, бир жойга тўпланишга ёки бир-бирдан узоклаштиришга мажбур этиши, шулар баробарида эгаллаб турган жойини қўриқлаши ва овқат топиши, “ўзлариники” ва “бегоналар”ни таниб олиши, авлоддошларининг жинси ва ёшини билиб олишига ёрдам беради.

Ҳашаротлар гаплашадиган ҳид тилини билиш уларнинг хулқ-атворини, стресс (ҳаяжон)ини, ички турлараро зиддиятларини яхшироқ тушуниб олишда кўл келади. Бундай тадқиқотлар фойдали турларини сақлаб қолиш, зарарли турларини чегаралашда ёрдам беради. Масалан, олимлар олма, олхўри ҳамда шарқ капалаги, ғўза куртининг феромонларини синтез қилишга эришдилар ва уни зарарли ҳашаротларга қарши курашда муваффақиятли қўлламоқдалар.

## ҚАРҒА НЕГА ЗАРАРЛИ ҚУШ САНАЛАДИ?



Аксарият қушларга биз хайрихоҳлик билан қараймиз ва уларни дўстларимиз, деб биламиз. Гап қарға ҳақида кетганда, дарров кайфиятимиз хомуш тартади. Маълумки, фермерлар кўрганда кўрқади ва яқин йўлатмайди, деган ўй билан уларга қарши кўргич ўрнатадилар.


Гарчи қарғаларнинг ахлатчи сифатида сал-пал фойдаси тегса-да, уларнинг фойдасидан зарари бисёр. Биринчидан, қарғалар устаси фаранг ўғри бўлади. Улар нафақат бошқа уялардаги тухумларни, балки полапонларни ҳам ўғирлайдилар! Улар ҳатто товуқхоналарга ҳам тухум қидириб тушади ва энди очилган жўжаларни ушлаб олса, ўзи билан олиб кетади. Энг ёмони улар ҳосилга жуда катта зиён етказилади. Қарғалар экинларни роса еб ва пайхон қилганидан фермерлар уларни ўзларининг ашаддий душмани деб биладилар.

Қарғаларнинг узунлиги 48 сантиметр атрофида бўлади. Унинг туси, жумладан, ранжа ва тумшуги ҳам қоп-қора. Ҳар ерда ҳозир нозир бу қуш ўзининг каттагина тумшугидан ҳар хил мақсадларда фойдаланади. Унинг иштаҳаси ёмон эмас, у меваларни, уруғу донларни, паррандалар тухумио ҳашаротларни ёки қурбонининг тоза гўштини ейди. У ҳар хил овқатларни тановул этгани учун ҳам бирон жойга учиб кетишга эҳтиёж сезмайди (айримлари қишда шимол томонларга учиб кетади).

Қарғалар фавқулодда ўткир нигоҳли ва эшитувчан. Уларни кўпинча катта ва кичик гала бўлиб юрган ҳолатда кўриш мумкин, гала бўлганда улар душмандан унчалик ҳайқмайди. Қарғалар жуда айёр ҳисобланади, аммо уларни алдаш учун ҳам кўпгина усуллар ўйлаб топилган. Қарғалар ўз полапонларига жуда садоқатли бўлади. Шунинг учун ҳам улар макиён қарғанинг хириллаган ва кескин товуш чиқариши билан бир жойга тўпланади. Яна улар баъзи пайтлари қирғий ва бойўғлиларга ҳужум қилади, шунинг учун уларни тутиш мақсадида қирғий ва бойўғлилар тухумидан фойдаланилади.

Қарғалар уяларини дарахтларга 9 метрдан кам бўлмаган ҳолда қуради ва эрта баҳорда бола очади. Мана шу вақтда улар якка ҳолда кун кечирилади. Ёш қарға учини билан гала тўпланади. Қишда улар кенг бир дарахтзор жойга тўпланадилар ва тунни шу ерда ўтказадилар. Эрталаб улар ҳар ёққа овқат излаб учиб кетади ва кун ботиши билан шу ерга қайтиб келади.

## ТЎТИЛАР ҚАЕРДАН КЕЛГАН?



Тўтилар мавжуд қушларнинг энг қадимий турларидан бири ҳисобланади. Тўтиларнинг тарихгача бўлган даврга тегишли тош қолдиқлари топилган, минглаб йиллар ўтишига қарамай улар ўз қиёфасини сақлаб қолган.

Ҳозирги пайтда тўтиларнинг 600 дан зиёд тури бор, улар яшайдиган минтақа эса тропик ҳудудларга тўғри келади. Тўтилар Жанубий Осиёда, Шимолий Африкада, Австралия ва Малайя оролларида кенг тарқалган.

Тўтилар анча саботли қуш ва узоқ яшайди. Улар ҳар қандай шароитга тез мослашади. Мана шу сабабдан денгизчилар уларни ўзларига ҳамроҳ қилиб олганлар. Бу қушларнинг туси ёрқин ва аломатли, агар уларнинг гапира оладигани бўлса, атрофдагиларнинг анчагина вақтини хушлайди.

Тўти гарчи тропик қуш саналса-да, тутқунликда ҳам, совуқ об-ҳавода ҳам ўзини жуда яхши ҳис этади. Тўтилар ўз ватанларида гала-гала бўлиб, ўрмонларда яшайди.

Шу нарса маълумки, тўтилар жуда жасур ва ишончли қушлардир. Хавф туғилган чоғлар улар дарров бирлашиб, хавфни бартараф этишга киришади.

Тўтилар эт эмас қуш бўлиб, мевалар, куртаклар, пальма ва анжир ёнғоқлари билан озиқланади. Улар маймунлар каби шохдан-шохга кўниб овқат излайди. Шохдан-шохга сакраётганда улар тумшуклари ва оёқларидан ҳам фойдаланади. Агар сиз бирор гал тўтининг овқатланганини кўрган бўлсангиз, у оёқларидан кўл сифатида фойдаланишини биласиз. У танлаган овқатини тирноқларида чангаллаб, лаззат қилиб ейди.

Тўтилар ўз уяларини дарахтлар қавагига қўяди. Уларнинг тухуми оқ бўлади. Ота-оналари полапонларига жуда ғамхўр бўлади ва овқат топиш илинжида жуда узоқларга сайирга чиқади. Тўтилар юришни хоҳламайди, аммо улар жуда яхши сакрайди ва учади. Энг қобилиятлиси “гапирувчи” тўти - Африка кулранг тўтисидир, бунинг устига у энг ақлли қушлардан ҳисобланади.

Одамлар тўтининг гапиришига махлиё бўлишади: ахир бу ўзига хос эрмак-да. Аммо ҳозирга қадар бизга бу қушнинг одам нутқини қай тарққа ўхшатиши номаълум бўлиб қолмоқда!

Айримлар тўтининг тили узунлиги ва қалинлиги ҳамда унинг ўзига хос тузилиши туфайли гапира олади, деб ҳисоблайдилар. Балки, тилининг айнан шундайлиги унинг гапиришига имкон берар, аммо булар гапириш учун мажбурий шароитлар эмас. Бошқа “гапирадиган” қушлар, масалан, тропик чуғурчиқ-майна, қарғалар униқидай қалин ва катта тилга эга эмас. Қирғийлар ва лочинларнинг эса тили униқига ўхшайди, аммо гапира олмайди!

Балки унинг гапиришига бошқа қушлардан кўра “ҳиссий” қобилияти юксаклиги сабабчидир? Бизнингча, бу ҳам унинг гапиришига сабаб бўла олмайди. Айтганча, кўп биологлар тўтилар ва бошқа гапира оладиган қушлар ўзлари айтган сўзнинг фарқини билмайдилар, муайян ифодалар ва ҳаракатлар ўртасидаги алоқаларни фаҳм этадилар, деб ҳисоблайдилар.

Тўтиларнинг “гапиришига” уларнинг эшитиш ва овоз механизмлари бошқа қушларникидан кўра секинроқ ишлаётгани сабабчидир. Одамнинг товуши табиат тўтиларга берган овозга ўхшашлиги ва бу унинг одам товушини ўхшата олишига имкон бериши ҳам мумкин.

Тўтиларнинг энг йириги қакапо ёки бойўғли тўтидир. Унинг тик ҳолатдаги бўйи 60 сантиметрга етади. Қакапо деярли учмайди, 20-30 метрга пастлаб учини мумкин. Янги Зеландияда яшайдиган қакаполар ҳозирги пайтда камайиб бормоқда. Улардан бор-йўғи 40 та қолган, уларнинг ҳам 12 таси макиёндир. Паррандашунос олимлар айна пайтда бойўғли тўтиқуши сонини ошириш устида иш олиб бормоқдалар.



**Софье Филатова 3 ёшга қадам қўйганида ота-онаси даҳшатдан лол қолишди. Чунки уларнинг суюкли фарзандлари бошқа болалардан жуда фарқ қилар экан. Қизалоқнинг юраги одатдагидек чап томонда эмас, ўнг томонда экан. Сал ўтмай, маълум бўлишича кўзгудаги аксимиздек унинг ҳамма ички аъзолари ўз жойидан "адашган".**

боғлиқлиги, ўнг томон эса кайфият, ҳис-туйғуларга "жавоб бериш"и аниқланган. Бу ҳам вақт ва фазога қараб мўлжаллангандек кўринади.

Тахмин қилинишича, мия ярим шарларининг вазифасининг қандай тақсимланганлигини анча

Қизча ташқи кўриниши жиҳатдан бошқалардан мутлақо фарқ қилмайди. Харакатчан, тийрақкина Барби кўғирчоғини севади. Яхши кўрган мультити - дисней туркумига мансуб "Русалочка".

Софьенинг рентген тасвири унинг ички аъзолари худди кўзгудагидек акс ҳолатда жойлашганлигини исботлади.

**- Ҳақиқатни билиб, бир кун қизалоғимиз ҳаётида бу ғайритабиийлик оқибатида бирор ўзгариш юз беришидан хавотирга тушиб қолдик. Лекин ҳозирча ҳаммаси жойида. Софье мактабга боради. Ўқишлари ҳам яхши. Мен асли москваликман. Турмуш ўртоғим озарбайжон. Мени ҳам, уни ҳам авлодимизда мутлақо бундай бола туғилмаган,** - дейди Софьенинг онаси, 28 ёшли Мария Филатова.

Шифокорларни маслаҳатига кўра, Софье ўзининг "ғайритабиий" ҳолатидан яқин орада воқиф бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу қизалоқнинг исми-шарифи матбуотда ўзгартириб берилмоқда.

Тиббиёт нуқтаи-назаридан қараганда, бу қизалоқ табиатнинг хатоси. У мутлақо тескари одам. Ахир ер юзида деярли барча нарсалар соат миллари йўналишида ҳаракат қилади-ку. Арилар ҳам гул атрофида шундай учади, денгиз чиганоқларига шундай ўралган. Чап қўл, табиат қонунидек ўнг қўлдан но-зикроқ. Лекин доно табиат ҳам гоҳида ё қудратини кўрсатар ё...

XX асрнинг 60-йиллари америкалик астрономларнинг таҳминига кўра, бир неча миллиард йиллар муқаддам коинот зич материаллардан таркиб топган. Кунларнинг бирида бу зичлик портлайди ва бутун галакти-



кани қиздиради. Ўз навбатида кўйи системаси ва планеталарга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

1972 йил Кефлер ва Хант исми физиклар бу портлашнинг биринчи босқичида коинот соат миллари бўйича ҳаракатга тушган дея таъкидлайдилар. Шу-шу кўйи системаси (тизими) ва планеталар худди улкан соатдек ҳаракат қилади.

Инсоннинг чап ярим шарини нутқ маркази фикрлаш билан

кечроқ, яъни катта ёшда билиш мумкин.

Яна мақоламиз қаҳрамонига қайтсак. Шифокорларни ҳайратга солаётган яна бир нарса шуки, Софье чапақай эмас. У ўргатилганидек, чапдан ўнгга қараб ўнг қўлида ёзади. Эҳтимол, унинг чап ярим шарлари ўнг томон функциясини ўз зиммасига олган, ўнг томон ўз навбатида чап томон вазифасини бажарса керак.

Шу пайтгача яхлит ўзгаришнинг салбий томони кузатилмаган. Ички аъзолар ўз жойларини ўзгартирган бўлса-да, ўзаро жойлашувлари, бир-бирларидан узоқлиги одатдагидек бўлганлиги учун ўзаро алоқаси рисоладагидек. Қон ва лимфа каналлари ҳам ўз ўлчови ва ўз ҳажмида.

Агар ички аъзонинг бирортаси ўзгарса, бу хавфли.

Тасаввур қилинг. Беморнинг аппендицити чап томонда ошқозон ўрнида жойлашган ва у қаттиқ оғрипти. Врач ҳеч бир иккиланишсиз уни бирор овқатдан заҳарланган деб гумон қилиши турган гап. Агар доктор текшириш жараёнида ўз қулоқлари билан беморнинг юраги ўнг томонда ураётганини эшитсада, қоғозга барибир: "юрак чап томонда", - деб ёзади. У бу ғайритабиий ҳолатни тан олишидан кўра кўпроқ ўзини қаттиқ толиқиб, адашганликда айблайди.

Тана аъзоларини "ўз ўрнига тиклаш"ни имкони борми, дея тиббиёт оламига назар солсак. 1972 йил Филадельфорда 34 ёшли аёлнинг кўзгудаги аксдек "тескари" жойлашган талоқ ва жигарини ўз ўрнига қўйиш мақсадида ўтказилган операция муваффақиятсиз яқунланганлигини кўрамыз.

Мия аъзоларини бошқаришда кейинги тузатишга кўника олмаган. Америкада бундай ички аъзоларини биз кўниккан жойи алмашган беморларни картасига шифокор янглишмаслиги учун рентген қоғози ва аниқ ёрлиқ ёпиштириб қўйилади.


Табиатнинг бу ўйини олдида лол қолмай иложимиз йўқ. Қаҳрамонимиз Софье учун эса асосийси ўзининг бу ҳолатидан тушкунликка тушмаслик, бошқа болалардек қувноқ яшаш.

## ТАҒИРГА ЯҚИН АТО ЭТАН ҲАШОРОТ

Қадимданок одамлар асаларини ўта тиришқоқ ва ўта қобилиятли ҳашорат ҳисоблаб келганлар. Мисрликлар нақлига кўра асаларини Куёш тангиси Ра яратган. Қадимги Русияда 17 апрель ва 27 сентябрь кунларида асалари байрамлари нишонланган. Айрим афсона ва ривоятларда асаларилар баъзи ҳислатлар бўйича одамлар билан тенглаштирилган. Чунинчи, асаларилар ҳаром ўлишмайди, балки вафот этишади, улар билан саломлашадилар, дейилган. Пасха кунларида асалариларни қутлаш расм бўлган, зеро ривоятга кўра асаларилар оёқ-қўлидан бутга михлаб қўйилган Исонинг кўз ёшидан пайдо бўлганлар. Қадим пайтларда асалари маросимлари мавжуд бўлган: асалариларга одамлар тугилган фарзанд, оламдан ўтган яқинлари ва бошқа муҳим воқеалар ҳақида хабар беришган. Энтомологлар асаларилар не-

ктар олиб келинадиган жойларга элтувчи масофани қандай эслаб қолишларини билишга кўндан бери қизиқиб келмоқдалар. Немис тадқиқотчилари яқинда асалариларнинг ўз ҳисоблари борлигини исбот қилдилар. Маълум бўлишича, асаларилар нектар манбаига қадар масофани йўлдаги турли муҳим белгиларни ҳисоблаш орқали билиб олишар экан. Бунинг учун кўйидаги тажриба ўтказилди: асаларилар йўлда ҳеч бир белгилар мавжуд бўлмаган пичанзорга қўйилган шакар шарбати томон учиб боришга ўргатилди.

Олимлар асаларилар уясидан шакарли шарбат солинган идиш йўналиши бўйича тўртта баланд палатка ўрнатдилар. Палаткалар бир-бирларидан бир хил узоқликда жойлаштирилди. Шакарли шарбат идиши учинчи ва тўртинчи палаткалар оралиғига қўйилди. Кейинчалик шакарли идиш иккинчи ва



учинчи палаткалар оралиғига қўйилди. Шунга қарамай, асалариларнинг 80 фоизи олисдаги идиш томон учиб бораверишди. Кейин палаткалар ва шакарли идишлар миқдори ўзгартирилди. Асалариларга овқат излашда аввалгидек палаткалар сони асосий белги - ориентир вазифасини ўтади. Реал шароитда асаларилар афтидан ўзларининг кўз илғамас "борт компютерида" йўлдаги ўзларига яхши

таниш дарахтларни, буталарни ва эслаб қолиш мумкин бўлган бошқа белгиларни санаб, уларни эсларида сақлаб қоладилар.

Асаларилар ўз уяларини ҳам мана шундай йўл билан топадилар. Ҳар бир асалари "ов" сафарига чиқиш олдидан ўз уяси атрофида бир неча марта айланиб учади. Ана шу учини чоғида у орбита параметрларини бир неча бор ўзгартиради, кўпинча сафар олдидан "координаталар"ни узил-кесил текшириб олмоқ учун қисқа фурсатга учидан ҳам тўхтайдилар. Тажриба жараёнида "кўниш" шароити бироз ўзгартирилган эдики, асаларилар бунинг дарҳол пайқашди: улар уя атрофида бетартиб равишда уча бошлашди. Тўғри жойни қийналиб топишди. Асалариларнинг "борт электроникаси" жуда мукамал бўлса керак. Биз уларнинг вазифалари хусусида жуда кам биламиз.

Одамларга хос нарсалар асалариларда ҳам учрайди. Асаларилар орасида жамоат тартиби яхши ташкил қилинган. Ўзини тута билиш, интизомга буйсуниш асалари-

ларнинг энг муҳим фазилатидир. Аммо шунга қарамай, олимларнинг кузатишича, асаларилар орасида ҳам жиноятчилар топилар экан. Хусусан уларда ўзгаларнинг уясидан асал ўғирлаш авж олгандир. Ўзгаларнинг емиши ҳақида ахборот "ўғирлар"га яшин тезлигида етиб боради. Биринчи "ўғри" ортидан текин томоқ сари бошқа жиноятчилар ҳам йўл олишади. Улар "йиштинча" асал захираларига етиб олишади. Шу пайт дарҳол ўғирларга қарши тадбирлар ҳам кўрилади: уя олдида ҳеч нарсани юз хотир қилмайдиган кўриқчилар пайдо бўлади. Улар учиб келаётган ҳар бир ариини назоратдан ўтказадилар. Башарти, ишунга қарамай, "ўғри"лардан бирортаси ўзга уяга кириб олгудек бўлса, у ҳолда уяда чинакам жанг бошланади. Бу жанг чақирилмаган меҳмон йўқ қилинмагунча тўхтамайди. Баъзан ўғирлик ўта амаллик билан оммавий йўсунда амалга оширилади. Бундай пайтда кўриқчилар ҳам, назоратчилар ҳам тартибни тиклай олмайдилар. Воқеалар худди одамлар орасида бўлганидек, фожиали тус ола бошлайди...




**ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ**

**“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:**

**700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).**



**Мулоқот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23, Пейжер: (088) 30-13**




Том қайси ипакдан фойдаланмоқда.




Нуқталарни бирлаштиринг.



Кимнинг сояси қайси бири эканлигини топинг.



Том суратини ўзингиз чизишга уриниб кўринг.



Иккита бир хил суратни топинг.

## GERB VA MO'JIZAKOR BOLA

(Yangicha ertak)

Erkin MALIKOV

Davlatbek degan mo'jizakor bir bola bor ekan. U biron bir rasmni qo'liga olsa, rasmdagi narsalar gapira boshlar ekan.

Bir kuni Davlatbekning qo'liga Vatanimizning Gerbi tushib qolibdi. Aytganimizdek mo'jiza yuz bera boshlabdi. Undagi chiroyli qush tasviri jonlanib ketibdi.

— Assalom, ey, chiroyli qush, qanotlari kumush, — debdi suhbatga kirishib Davlatbek.

— Vaalaykum assalom, ey, mustaqil yurt bolasi.

— Isming nima, ey qush, qanotlari kumush?

— Men Baxt qushi Xumoman.

— E, ha, tanidim, sen haqingda ertaklarda o'qiganman. O'qib o'ygatolganman.

— Nima uchun o'ygatolganman?

— Qadimda bir yurt bo'lgan va uning zo'ravon podshosi bo'lgan ekan.

Boshqa yurtlarni bosib olib, boyligini talabdi. Odamlarini zindon, olimlarini gumdon qilibdi. Oxiri o'zining ham paymonasi to'libdi, olamdan o'tibdi. Yurt podshosiz qolibdi. O'shanda odamlar kimni podsho qilamiz, deb turishganda yurt osmonida Xumo qushi paydo bo'libdi. Donolar kengashib, «Shu qush kimning boshiga qo'nsa, o'sha podsho bo'ladi», — deyishibdi. Jarchilar jar solibdi:

— Odamlar-u odamlar, eshitmadim demanglar, eshitganlar turinglar, maydon sari yuringlar. Osmonda Baxt qushi charx uradi. Shu qush kimning boshiga qo'nsa, o'sha podsho bo'ladi.

Buni eshitganlar shoshib qolishibdi. Qancha-qancha puldor-u amaldorlar o'zini taxt uchun shaylabdi, tishlarini qayrabdi. Baxt qushini poylabdi. Ammo qush eng kambag'al, eng saxiy va adolatli, to'g'ri so'z va dono kishining boshiga qo'nibdi. Mamlakatda adolat hukmron bo'libdi. Sen o'sha qushsan-a, Xumojon!

— Yanglishmading, men ko'p yurtlarni kezdim. Sening Vatanning xuddi ertaklardagi mamlakatga o'xsharkan. Shu bois yurtning sari talpinib uchdim, Davlatbek.

— Xumo qushining aytganlari to'g'ri, bu yurtning odamlari qadoq qo'lli, bag'ri cho'g'li. Biz Gerbda non-nasiba, qut-baraka ramzi bo'lib o'rin olganmiz, — deyishibdi boshog'lar.

— Bizlar Vatan boyligi, go'yoki ishonch yorlig'imiz, — deyishibdi chanoqdagi paxtalar.

— Bu yurt — mening yurtim. Nurlarimni mo'l-ko'l sochgumdur. Har tong baxt eshiklarini ochgumdur, — deya charaqlabdi Quyoshjon.

— Yurt bir mujda, bizlar esa undagi jonmiz, tomirida oqqan toza qonmiz, — deya sharqirabdi Amu bilan Sirdaryo.

— Gerb uzra turibman, men ila osoyishdir osmoningiz, — deya yarqirabdi Oymoma.

— Mening ishim yo'l ko'rsatmoq, adashmas hech karvoningiz, deya miltirabdi Zuhro yulduzi.

Davlatbek Vatanimiz Gerbi haqida ko'p narsalarni bilib olibdi va o'zi

yotadigan karavot yonidagi gilamga to'g'nog'ich bilan mahkamlab qo'yibdi.

Mahmud MURODOV

## GULSUM — TABASSUM

Xabardorlar jim-jim qolsin, bilmaganlar quloq solsin, qulog'iga ilib olsin. Bir bor ekan, bir yo'g ekan, Gulsum degan qizcha bor ekan. U hamisha qovoq solib yurarkan. Qildan qiyiq chiqarib, yig'i boshlarkan. Boshlaganda ham shunday boshlar ekan-ki, ko'z yoshidan to'plangan ko'lماك suv ba'zan o'zining tizzasigacha

osmonda quyosh charaqlabdi. Hammayoqdan sayroqi qushlar navosi eshilibdi. Gulxonlardagi gul g'unchalari paq-paq ochilib, Gulsumga, uni jilmayishiga o'rgatgan quvnoq bolalarga salom beribdi. Baroq mushukcha kelib Gulsumning oyog'iga suykilibdi. Shu-shu Gulsum aqli qiz bo'lib, yig'lamasdan, jilmayib yuradigan bo'libdi. O'rtoqlari esa uni Gulsum — tabassum deb atashadigan bo'lishibdi.

Endi Gulsum yig'idan tabassum yaxshi ekanini tushunganmish. Gulsum — tabassumni esa hamma-hamma sevarmish.

Яқинда газета харид қилаётиб «Bir bor ekan» китобчасига кўзим тушди. Варақлаб, 1-бет юқорисидаги: «Гунча» журнали 40 ёшга тўлди, ушбу тўпламга «Гунча»да узоқ йиллар ишлаган қаламкашларнинг энг сара эртаклари жамланган», деган жумлаларни ўқидим. Сўраб-суриштириб билдимки, бу китобча «Гунча» журналининг илк «Гунча» кутубхонаси китобчаси экан. Жуда қувониб кетдим: Негаки нашриётларимиз деярли болаларбоп китоблар нашр қилолмайдиган бир пайтда «Гунча» журнали редакцияси савоб ишга қўл уриб, илк эртаклар китобчасини чоп этиб сотувга чиқарибди. Журнал редакцияси ижодий ходимларига муваффақият тилаган ҳолда,

буни маъна-ларни нашр болала-маъна-

лашдаги ли ишини давом эт-лайман. Чунки бола-да-жуда чанқоқ.

ЭЪЛОН. Китобча барча газета ва журналлар сотиладиган дўконларда ҳамда «Шарқ» зиёкори китоб дўқонида сотилмоқда.



бундан буён ҳам тур-ири миз виятини тарбия-ўз савоб-тиришига умид боғ-ларимиз китобга жу-Султон ЖАББОР, болалар шоири.

Э С Л А Т М А : «Гунча» журналига обуна бўлишни унутманг. Нашр индекси 818. Ҳар ойда лотин алифбосида чиқади.

yetib qolarkan.

Ota-onasi, qo'ni-qo'shnilar qancha ovutishmasin, Gulsum yig'idan to'xtamas ekan.

Shuning uchun bo'lsa kerak, Gulsumning birorta yaqinroq o'rto'g'i ham yo'q ekan. Xo'mrayib yuradigan qizchani kim ham yaxshi ko'radi deysiz, hamma undan qochar ekan.

Gulsum hovliga chiqsa, it-mushuklar ham, tovug'u jo'jalar ham: «Ana, Xo'mrayxon kelyapti, hozir jala quyadi», — deb in-inlariga kirib ketisharkan. Chunki Gulsum ko'chada ko'rinishi bilan quyosh ham yuziga pardasini tutib olarkan. Ochilib turgan gullar yumilib qolar, qushlar sayrashdan to'xtar ekan.

Bir kuni onasi, qizimni bog'chaga borsam, bolalar o'rtasida ochilib yurarmikan, yig'isini unutmikan degan o'y bilan, Gulsumni zo'rg'a ko'ndirib, bog'chaga beribdi.

Gulsum qarasa, hamma bolalar o'ynagan-kulgan. Bu narsa unga juda g'alati tuyuldi. Ajablanganidan kulvoray-kulvoray debdi-yu, yana o'zini bosib, yig'i boshlabdi. Shu ondayoq osmonni bulut qoplabdi, sharros yomg'ir quyibdi.

Bu sirni bilgan bog'cha bolalari Gulsumning atrofini o'rab:

— Gulsumoy, bir jilmaygin, bo'lmasa biz yomg'irda uyga ketolmaymiz, — deb yalinishibdi. Mehribon bog'cha opa bo'lsa Gulsumning peshonasidan silabdi, erkalabdi.

Gulsum, ko'naymi-ko'nmaymi, deb ancha vaqt xo'mrayib turibdi-da, nihoyat sal jilmayib qo'yibdi.

Shu zahotiyog yomg'ir taqqa to'xtab,

— Ha, menman.  
— Gapirishni bilasizmi, Anjir bobo?  
— Bilaman.  
— Meni ekkan bog'bon bilan ko'p gaplashib turardim.

— Katta bobom, endi yo'qlar, — Abduazim xomush to'rtibdi. — Bobomni men ham yaxshi ko'rardim.

— Men ham yaxshi ko'rardim bobongni. Katta bobom meni ko'p joyga olib borar edilar, chuppa-chuplar olib berar edilar. Hozir esa hech kim men bilan o'ynamaydi.

— Men o'ynagani keldim-ku.  
— Rostdanmi? — Abduazim xur-sandligidan chapak chalib yuboribdi.

— Rost, yur boqqa chiqamiz.  
— Hozir-da, — Abduazim sakrab o'rnidan turibdi-da, oynai jahonni o'chiribdi. Keyin Anjir boboga ergashibdi.

Ular qo'l ushlab boqqa kiribdi-lar.

— Abduazimboy?

— Ha, labbay.

— Bilasanmi?

— Nimani?

— Meni kim ekkanini?

— Yo'q.

— Meni katta bobong rahmatlik Andijonning To'raqo'rg'onidan ko'shat qilib olib kelib ekkanlar.

— Bobom bog'bon edilar-da.

— Bobong yaxshi mirishkor edi. Yaxshidan bog' qoladi deganlari shu-da!

— Men ham bobomga o'xshagim keladi.

— Shundaymi?

— Shunday.

— Unday bo'lsa bobong kabi boqqa tez-tez chiqib turgin.

— Bobomning belkuraklari, tokqaychilari bo'lardi.

— Ha, barakalla, bobongni belkuraklarini olib, biz daraxtlar tagini yumshatgin, suv quygin. Tokqaychi bilan bachki shoxlarimizni kesgin.

— Xo'p bo'ladi, Anjir bobo.

Abduazim shunday deya omborxonaga yuguribdi. Va birozdand keyin qo'lida belkurak, bir qo'lida tokqaychini titganacha Anjir boboning yoniga kelibdi.

— Mana Anjir bobo, endi bo'gda Birga ishlaymiz.

— Barakalla, birga ishlaymiz.

Abduazim bog'da ancha ishlabdi, daraxt tagini yumshatibdi, bachki shoxlarni kesibdi, ariqda shaldirab oqayotfan suvni ariqcha qilib daraxtlar tagiga buribdi. Kechga borib daraxtlar yashnab ketibdi. Buni ko'rgan Abduazimning chehrasi yorishib ketibdi. Anjir bobo ham Abduazimning yoniga kelib:

— Abduazimboy, endi bo'ldi. Daraxtlar rahmat deyapti.

— Rostdanmi?

— Ha, ana men eshityapman. Bugun kech bo'ldi, endi borib dam olsinlar, charchadilar, deyishyapti.

— Yaxshi ko'raman, ayniqsa, anjir murabboni. Biram shirin bo'ladi-ki. Mazza.

— Unday bo'lsa, hozir borib anjir murabboni choy ichinglar, pishsak aylari yana ko'p-ko'p murabbo qilib beradilar deyishyapti.

— Albatta qilib beradilar, men o'zim terib beraman.

— Hozircha, xayr Anjir bobo!

— Xayr, Abduazimboy.

Abulhay NOSIROV

## ANJIR BOBO

Abduazim katta ayvonda oynai jahonni ko'rib o'tirar edi. Derazani birov cherta boshlabdi. Abduazim o'girilib derazaga qarabdi. Oyna oldida hech kimni ko'rmabdi.

Rustam hazillashyaptimi, deb sekin:

— Kim, — deb so'rabdi.

Hech kim tovush bermabdi. Hayron bo'lib deraza yoniga kelibdi. Balki, berkinib olgandir, deya deraza tokchasidan pastga qarabdi.

— Rustam, senmisan, — deya so'rabdi.

Yana hech kim javob bermabdi. Abduazim joyiga o'tiribdi, oynai jahonni tomosha qilishda davom etibdi. Bir ozdan keyin deraza chertilibdi.

— Kim bo'ldi ekan, deraza chertib hazillashayotgan, — deb hayron bo'lib turganda, kimdir:

— Abduazimboy, hoy Abduazimboy, — deb chaqiribdi.

— Ha, labbay, kim u gapirayotgan, — Abduazimning hayrati yana oshibdi.

— Bu menman, — yana Abduazimning qulog'iga ipakday mayin tovush eshilibdi.

— Bu menman, Anjir bobong bo'laman.


— Anjir bobo?

Abduazimning hayrati yana yuz chandon oshibdi.

— Qaysi Anjir bobo?

— Ha, bog'laringdagi Anjir bobo-da!

— Iya, Anjir bobo, sizmi?



Бир бор экан, бир йук экан, қадим замонда бир чол билан кампир яшаган экан. Чол ўтинчилик қилиб, кампир туқувчилик қилиб зўрга кун кечирар эканлар.

Бир куни чол ўтин орқалаб келаётган қараса икки чақирим нарида халтача ётган экан. Чол нон деб ўйлабди. Бориб қўлига олиб қараса, шақирлабди. Чол ҳайрон бўлиб очиб қараса, тилла экан. Халтани оғзини боғлаб, белига осибди. Уйга келиб кампирга кўрсатибди. Кампир севинчидан ўзини кўярга жой тополмабди. Кейин биргаликда маслаҳатлашибдилар. «Кел икковимизга этадига-нини олиб, қолганини кўмиб кўямиз», — дебди. Кампир рози бўлибди. Ўзларига кераклигини олиб, қолганини кўмишаётганида, томда бир мушук кузатиб турган

экан. Улар кумиб булиб кетишганда томдан тушади ва ўша жойни кавлаб, халтадаги тиллани олиб, чиқиб кетаётганида чол билан кампир кўриб қолибди. Сўнг мушукни кетидан қувлашибди. Барибир мушукка етолмаслигига ишонч ҳосил қилибдилар. Шу воқеадан кейин мушук одамларни кўрса қочадиган бўлиб қолибди.

Дилноза ХИКМАТУЛЛАЕВА,  
Юнус Обод тумани,  
274-мактабнинг 6-«А» синф ўқувчиси.



Қадим замонда бир ҳароба қишлоқда Ориф деган деҳқон яшар экан. Унинг 7 фарзанди булиб каттасининг исми Меҳри экан. Деҳқон қанча уринмасин оила тебратишга қийналибди. Хотини ҳам касалланд экан. Шунда бир куни қушни қишлоқдан уйга жужори угирлаб олиб келишга мажбур булибди. Чунки болалари, ка-

«Оқшом эртаклари» учун этинг, утинаман. Агар уларнинг қулларини чолиб ташласанлар укаларим, касал онамни ким боқади, агар қул кесилс керак бўлса, мана менинг қулларимни кесинг. Улар укаларимни боқишлари керак». Хоким қизнинг изтиробларига қуроқ солибди ва сенга бир кун муҳлат бераман, яхшилаб ўйлаб кўр, қулни кесилса сўнг нима

Юнусобод туманидан икки ижод маҳсули



сал хотини бир неча кундан бери оч экан. Орифни тутиб олиб шаҳар хокими олдида судраб келишибди. Хоким унинг қулларини кесишга буюрибди. Жаллол ҳалойикни йиғиб ишга киришибди. Шунда: Дод, қуйворинглар отамни-деган овоз эшитибди. Узоқдан кичкина қизчанинг сочларини ёйиб чолиб келаётганини кўриб ҳамма ҳайрон булибди. «— Ким сан, — дебди шаҳар хокими» — «Менинг отам угри эмас, кечиринг хоким амаки, отам бизни деб шундай қилган эдилар. Уларни авф

қиласан?» дебди... Шундай қилиб кун боғиб, тонг отибди. Уғирликда айибланган Орифни яна майдонга судраб келишибди. Энди қулларини кесишмоқчи бўлганда яна Меҳри додлаганча хокимга ёлворибди ва қулларини тунка устига қўйиб кесишларини сурабди. Хоким қизчанинг жасоратига қойил қолиб: «Халойик тарқалинлар», — деб буйруқ берибди ва «Отинг нима?» — деб сурабди хоким. «Меҳри» — дебди қизча. «Ҳақиқатанам исминг жисмингга монанд экан, дебди хоким. У деҳқоннинг болаларига егуликлар бериб, уйларига кетишга руҳсат берибди. Шундай қилиб Меҳри отасини қутқариб қолибди.

Шерзод АБДУАЗИМОВ,  
238-лицей мактаб ўқувчиси.



# «Ойнаи жаҳон» — болаларга

**СЕШАНБА 24 ноябрь.**

- ЎзТВ — 1**
- 10.05 — «Алифбо сабоқлари»
  - 10.30 — Кундузги сеанс: «Жаноб Р», Бадийий фильм.
  - 12.05 — «Мактублар — кабутарлар»
  - 12.30 — «Рақс, рақс, рақс».
  - 14.10 — «Кувноқ стартлар» телемусобақа.
  - 18.10 — Болалар учун: «Қушигим-жон қушигим».
  - 20.10 — «Оқшом эртаклари»
  - 20.05 — «Акс-садо»
- ЎзТВ — 2**
- 18.05 — «Янги авлод» студияси намойиш этади.
  - «Эркатой», мультмоша.
- ЎзТВ — 3**
- 18.10 — Болалар учун «Энди эртақ бошланади»
  - 20.20 — «Қушиқдан-қушиққа».
  - 21.55 — «Табиат шифохонаси».
- ЎзТВ — 4**
- 16.50 — Мультсайёра.
  - 20.45 — «Хайрли тун, кичкин-тойлар»
- ЧОРШАНБА 25 НОЯБРЬ.**
- ЎзТВ — 1**
- 8.30 — «Оҳанглар жилоси»
  - 10.30 — «Янги алифбони урганамиз»
- «УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:**
- 11.20 — «Вақтинг кетди»
  - 12.05 — «Акс-садо»
  - 12.35 — Кундузги сеанс: «Қамоқ муддати утгунча» бадийий фильм.
  - 18.10 — «Сени, Ватан кутади»
  - 18.45 — «Дунё чиройли».
  - 20.10 — «Оқшом эртаклари»
- ЎзТВ — 2**
- 18.05 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Спорт майдончаси», мультмоша.
  - 18.40 — «Семург» усмирлар учун ахборот, кунгил очар дастури.
- ЎзТВ — 3**
- 18.10 — «Ёрилтош» мульттуплам.
- ЎзТВ — 4**
- 16.50 — Мультсайёра.
  - 20.45 — «Хайрли тун, кичкин-

- ТОЙЛАР**
- ПАЙШАНБА 26 НОЯБРЬ**
- ЎзТВ — 1**
- 10.25 — «Томчи».
  - 10.40 — «Яшил чироқ». Курсатувда Қашқадарё ва Наманган вилоятлари еш йул назоратчилари йул ҳаракати қоидалари буйича беллашадилар.
  - 10.20 — «Маърифат маскани»
  - 12.05 — «Кундузги сеанс», Дастлабки тергов» бадийий фильм.
  - 18.10 — Усмирлар учун! Умид учқунлари.
  - 20.10 — «Оқшом эртаклари»
- ЎзТВ — 2**
- 18.05 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Буш утирма», Мультмоша.
- ЎзТВ — 3**
- 18.10 — «Ёрилтош», мульттуплам.
  - 18.20 — «Билиб қўйган яхши»
  - 21.05 — «Қалдирғоч» киска метражли бадийий фильм.
- ЎзТВ — 4**
- 16.50 — Мультсайёра.
  - 20.45 — «Хайрли тун, кичкин-тойлар»
- ЖУМА 27 НОЯБРЬ**
- ЎзТВ — 1**
- 10.35 — Немис тили.
  - 11.30 — «Кучукча ва эски шиппак» мультфильм.
  - 11.40 — «Ботма, куёш».
  - 12.05 — «Кундузги сеанс: «Қадимги шухликлар» бадийий фильм.
  - 18.10 — «Болалар учун: Санъат гунчалари»
  - 18.45 — «Тилга эътибор»
  - 20.10 — «Оқшом эртаклари».
- ЎзТВ — 2**
- 18.05 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Келинг, танишайлик», мультмоша.
- ЎзТВ — 3**
- 18.10 — «Ёрилтош» мульттуплам.
- ЎзТВ — 4**
- 16.50 — «Мультсайёра».
  - 19.45 — «Муъжизалар майдо-ни»
  - 20.45 — «Хайрли тун, кичкин-тойлар»
- ШАНБА 28 НОЯБРЬ**

- ЎзТВ — 1**
- 9.05 — «Шоҳруҳ клуби»
  - «Умид» намойиш этади»
  - 9.55 — «Очиқ дарс»
  - 10.05 — «Соғлом-авлод учун»
  - 10.35 — «Шу Ватанга бордур менинг керагим»
  - 10.55 — «Уйла, изла, топ», теле-беллашув.
  - 13.05 — «Кундузги сеанс, «Оловли йул» бадийий фильм. 1-серия.
  - 14.30 — «Мен туғилган тупроқ»
  - 18.05 — Болалар учун «Фламинго»
  - 19.55 — «Оқшом эртаклари».
- ЎзТВ — 2**
- 9.00 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Бугуннинг боласи», «Спорт майдончаси», «Буш утирма».
  - 18.05 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Олтин калит», мультмоша.
  - 8.00 — «Ёрилтош» мульттуплам.
- ЎзТВ — 3**
- 10.05 — «Ёввойи табиат»
  - 11.00 — Болажонлар экрани.
  - 12.50 — «Билиб қўйган яхши».
  - 18.10 — «Ёрилтош» мульттуплам.
  - 18.30 — «Табиат шифохонаси».
- ЎзТВ — 4**
- 13.30 — «Биргаликда қўйлаймиз».
  - 14.05 — «Умид»
  - 18.50 — «Бинафша»
  - 19.40 — «Тенгдошлар».
- ЯКШАНБА 29 НОЯБРЬ**
- ЎзТВ — 1**
- 8.30 — «Камалак» болалар учун киноластур «Умид» намойиш эта-

**«МУШТУМ» ва «АФАНДИ» — СИЗНИНГ ХАМРОҲИТИЗ!**

**Қадрли кулги ва латифа ишқибозлари!**

Агар хонадонингизга республикамизнинг ягона ҳажв журнали «Муштум» ҳар ойда, ягона латифалар газетаси «Афанди» ҳар ҳафта қаҳқаҳа билан кириб келишини истасангиз, кечиктирмай ушбу нашрларга обуна бўлинг!

«Муштум» нашр индекси: якка тартибда — 842, ташкилотлар учун — 843.

«Афанди» газетаси нашр индекси: 590.

ярат».

- 10.00 — «Ватанимга хизмат қиламан»
- 12.05 — «Болалигим-пошполигим»
- 12.50 — Кундузги сеанс: «Оловли йул» бадийий фильм. 2 — серия.
- 18.00 — «Олтин тож» — телевизион уйин.
- 18.45 — «Илм олами: 2000 йилдан сўнг».

**ЎзТВ — 2**

- 9.00 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Уй вазифаси», «Олтин калит», мультмоша.
- 11.10 — «Цирк, цирк, цирк!»
- 18.05 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Катта танаффус», мультмоша.
- 18.40 — «Синфдош» Паркент тумани, Заркент қишлоғидан гайерланган.

**ЎзТВ — 3**

- 8.00 — «Ёрилтош» мульттуплам.
- 10.00 — «Етти иқлим оҳанглари»
- 10.10 — Болажонлар экрани. «Шоҳ Султон» ҳақида эртақ.
- 12.05 — «Туризм ҳақида».
- 18.30 — «Мультжумбоқ»

олами».

- 10.45 — «Бу ажиб дунё»
- 12.55 — Табиат билан танишув.
- 13.05 — «Айчуррак»
- 18.50 — «Жонли сайёра».

**ДУШАНБА 30 НОЯБРЬ**

**ЎзТВ — 1**

- 20.10 — Оқшом эртаклари»

**ЎзТВ — 2**

- 18.00 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Жажжи давра», мультмоша.

**ЎзТВ — 3**

- 18.30 — Болалар учун «Эя ва унинг дустлари хузурда».

**ЎзТВ — 4**

- 16.50 — «Мультсайёра»
- 20.45 — «Хайрли тун, кичкин-тойлар»

**СЕШАНБА 1 ДЕКАБРЬ.**

**ЎзТВ — 1**

- 20.10 — «Оқшом эртаклари»

**ЎзТВ — 2**


- 18.05 — «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Эркатой», мультмоша.

**ЎзТВ — 3**

- 18.10 — Болалар учун «Энди эртақ бошланади»

**ЎзТВ — 4**

- 16.50 — «Мультсайёра»
- 20.45 — «Хайрли тун, кичкин-тойлар»



3

Эркин уртасига кўрпа-тўшак ва бир сидра эски кийим-бош ҳамда карзинада ёгуликлар қўйиб бўқланган, кейин каноп ип билан яхшилаб боғланган алюминий каравотчасини бемалол елкасига қўйиб, бир қули билан пастдан, бири билан елкаси оша ушлаб, айтганидек, физиллай кетди.

Торкучадан катта йулга чиқиб, кейин қўйига нишоблаб энган Карл Маркс кучасига тушди-да, узининг детдомдош шериклари-ю қоп-халта кутарган, демак, пахтага йул олган — бошқа бегоналарни ҳам орта қолдириб, ҳадемай мактаби қошига тушиб борди: мактаб — унғ томонда — панжарали девор орқасида — анчагина баландликда виқор тукиб турар — шу алфозда Лениннинг шоҳсупада қулини «коммунизм томон»га қўзиб турган ҳайкалини эслатар (мактабнинг номи ҳам — Ленин номли 1-сон) эди. Аммо укучилару муаллимлар буткул кучиб чиққандек — йул ёқасидаги қари туғлар тагида уймалашар, йулда эса усти очик ГАЗ-151 русумли юк мошиналари тизилиб кетган, айримининг кабинаси устида қизил байроқ қуринар эди.

Эркин пишқириб, аланлаб, синфдошларини тошиб борди. Улар йул бўйида тулбулиб туришган экан.

— Салом, балалар! Пахтакорлар! — дея Эркин юкини асфальтга қўйди. Шунда мактабнинг қизил дарвозасидан чиқиб келган Асил Очилдиев Эркинни куриб:

— Келдингма? — деди.

— Келдик, уртоқ муаллим. Хизматга тайёрмиз! — деди Эркин. — Башқалар ҳам келишяпти...

— Башқалар билан менинги ишим йўқ, — деди Очилдиев укучиларни кўздан кечириб. — Тугал бупсизлар... — Кейин хиёбонда нотаниш бир қариянинг қулидаги кучатта энкайиб тикилганча нималардир деяётган биология укитувчиси Камтар акани чақирди: — Уртоқ Облоқулов! Мумкинма бир минутга?

Камтар ака шошиб қолиб, чол билан хушлашиб, эгилганча ариқдан ҳатлаб утиб келди.

— Мана, болаларни сизга топширамиз энди, — деди Очилдиев: у ҳамини жиддий, томоғидан хирқираб гапирар, узи паст бўйли, миқтигина эса-да, бўйи теракдек кишиларни ҳам писанд қилмаслиги шундоқ билиниб турарди; унинг жиддийлигини тушуниш мумкин эди: ҳарҳолда, мактаб комсомол ташкилотининг биринчи секретари, мактабдаги нақ уч юзга ленинчи унинг амрига «лаббай!» деб жавоб беришарди-ҳам, гарча пана-панада уни мазаҳ қилинса-да... Аммо узидан катта муаллимларга ҳам нописанд қараш — кишига малол келар, лекин бу туғрида ҳам унинг орқасида гапирилар эди... — Биз кейинроқ борамиз, совуқ тушганроқда, — деб давом этди Очилдиев. — Унғача сиз, уртоқ Облоқулов, болаларга бош булиб турасиз.

— Хуп. Албатта, — деди Камтар ака қулини қорнига қўйиб; у кишининг одати шу: узидан кичкина одамлар билан ҳам эгилиб гаплашади, укучиларга бир огиз қаттиқ гапирганини ҳеч ким эшитгани йўқ, қандайдир эски, мулласифат одамларга ухшаб кетади; масалан, Эркинга у кишининг бундоқ қиёфаси кўпинча ёқмайди, аммо айна чоғда, унға жуда қизиқади: узи

— қизиқ, фақир одам-да.

— Айниқса, тартиб-интизомга, норманинги албатта бажарилишига эътибор берилиши керак, — деб яна давом этди Очилдиев (болаларнинг тили билан айтганда — «Асалжон...») — Сизнинг каллангизни гаранг қиладиган шумтакалар йўқ эмас. Масалан, Эркин Қорабоев янги қилиқлар чиқаришига ишонаман. Қаттиқ булинг, уртоқ Облоқулов. Пахта — сиёсий масала! Биз укучиларимизнинг меҳнатга муносабатини, эртага қандай одам булиб етишишларини пахта теримидаги жонбозликларига қараб биламиз. Пахта — бу — фронт...

— Жуда туғри айтасиз, уртоқ Очилдиев, — деди Камтар ака.

киннинг мавқеини кутарар, унға гурур бағишлар эди: энди, турисини айтганда, агар ҳақ булсанг, бировнинг орқасидан эмас, олдида ҳам гапиролгинда... Ана, Рустам ака ҳақ булганлари учун: «Нимага мени камситасан, чучқа?» деб автомат қўндоғи билан урган — рота командирининг билаги синиб, қули осилиб қолган: шу сабабли унвондан бенасиб қолганлари билан пушаймон эмаслар...

— Ҳе, эшитдик-е, бу қулоқдан кириб, у қулогимизга жойлашиб қолди, Асил ака, — деди Эркин ҳам (Назокатдан кейин).

Очилдиев унға хумрайиб тикилди.

жон ака! Ишни беш қиламиз! Мактабимизнинг обрўйига доғ туширмаймиз... Туғрими, журалар?

— Туғри, — деб чинқирди Назокат.


Шунда Очилдиев билагидаги соатига қаради-ю, худди Ленинга ухшаб қулини рўпарадаги мошинага қўзди.

— Чиқинлар! Туполон булмасин... Қизлар олдинда утирсин. Юллар орқанда...

Эркин буклама каравотини шаҳд билан кутариб — орқалаб олди. Икки қадам босди-ю, қоп судраётган Назокатни куриб, уни туртиб юборди. Узи унинг қопини судрай кетди. Ҳаш-паш деғунча мошинага чиқиб жойлашдилар.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

# БҮҮРИ



— Сизларам эшитдингларма? — деб укучилардан суралди у.

— Эшитдик, — деб чийиллади Назокат: у — озгингина, исми жисмига монанд дегандай — нозиккина қиз; унинг қўндоғи, нуқул ашула айтиб юриши Эркинга ёқди. Эркиннинг нимаси унға ёқди? — узига аён. Холбуки Эркин биринчи синфдаёқ унға азоб берарди: мисол учун, у калишчаси йиртилиб қолгани учун мактабга боролмаслигини айтса, Эркин унға каттақон туфлисини кийдириб қуяр, кейин қулидан судраб кетаверарди; баян Назокат йиғлар, Эркин парво қилмас, аммо... кейин қизалоқ яна Эркиннинг орқасидан қолмас эди. Биронта бола хафа қилса, дарҳол Эркинга айтар, Эркин муштумзурга муштумини дулайтириб борар, детдомда Рустам ака айтганидай қилиб: «Кечирим сура бундан! Булмасам жағингди эзаман!» — дер, кечирим суратарди.

Эркин Очилдиевни куриши ҳамон унинг Рустам акага узидан шикоят қилганини эсларди, бу ҳол — унға яқимчилик булиб туялган, айна чоғда унинг узидан, яъни, Эркиндан бош тарбиячига нолиши, демак, Эркинга узининг гапи утмагани (о, уни кимлар ҳурмат қилмайди! Туғри, қўрқинганидан...) курсатар, бу эса — Эр-

— «Асал» эмас, «Асил», — деди. — Қолган гапни, узим пахтага боргандан кейин гаплашамиз. Пахта теришни яхшилаб урганиб ол. Икки норма териб берасан менга.

— Э, муаллимжон, керак булса, уч нурмаям териб юборамиз, — деди Эркин. — Теримдан қочадиган одам йўқ.

— Айтмоқчи, — дея биология укитувчисига мурожаат қилди синф раҳбари, — теримдан қочиб қолганим учраб туради, уртоқ Облоқулов. Бундай ҳаракатларга мутлақо йул қўймаслик керак! Бемалол айтинг: мактабдан хайдаласан денг.

— Хуп, хуп, — деди Камтар ака яна қулини қорнига қўйиб. — Наҳотки қочилса... Жиннибулоқ — дуненинги бир чеккасида. Қочган одам адашиб кетади...

— Барибир. Қочилса уруниш ҳам булмасин.

— Ҳе, уртоқ муаллим, — деди шунда Эркин. — Узимиз соғиниб бораёппиз-у, қочадиган ахмоқ борма... — Кейин Назокатлар томонга қараб билдилай кетди: — Ҳозиргина «Пионер эрталли»ни эшитдим. Бир еш бала йулда ётган... тупроққа буланиб ётган бир ҳовуч пахта олиб, пуфлаб, тозалаб, ундай яшиққа солиб қуяди. Ҳақиқий пионер! Биз булсак, салкам камсамол буп туришпиз... Биздан хавотир булманг, Асил-

Салдан кейин мошина жилди. Кучани «ура!» салолари тугиб кетди.

4

Шаҳардан чиқиб, мийдай даштга тушдилар. Чап томонда — йироқда Ғажиртоғ тизмалари гуёки йул билан ёнма-ён қўзилиб ётар, уша ёқлардан чуқур-чуқур жарликлар ҳосил қилиб сойлар узалиб келган, йулни кесиб утган жойларидан босиб утишда мошинанинги орқасидан антиқа туя қарвонидек эрганиб келаётган чанг булут бортнинг устидан бемалол ошиб утар, жумла жаҳон чанг ичида қолгандек булар эди: чангдан ёриб чиқишгач, йутал-йутал...

Эркин Очилдиевнинг қўз олдида атайин энг орқадан жой олган; тегирмондан чиққандек булиб — буғилиб утирар, гоҳ сапчиб туриб: «Секин ҳайда-е мошинангди!» деб бақириб юборарди. Йулни кесган сойлардан яна утишаркан, олдиндан Назокатнинг инграгани, кейин кўкйўтал тутгандек хириллаб қолганини эшитди-да, бирданига олға интилди: кимнингдир оёғини босиб, кимнингдир елкасини қаттиқ гижимлаб, охири: «Кечирасизлар, журалар!» дея қизга етди. Унинг енида қозикдек туриб олиб, кабина устидаги тусиқлан ушлаганча, энгашиди.

— Ҳа, Нима булди? Кукариб кетибсан-ку? Ичингга чанг кир-

## Қиссахонлик

дими? — Қизча қўзларидан оққан ёшни артишга мадори етмай тез-тез бош ирғади. Эркин бирданига кабина томига муштлай бошлади. Мошина секинлашди. Ён томондан шофернинг боши қуринди. — Э, ака, бу яқда одам уламан деяпти-ку! — деди. — Мунинг узи упкаси нозик. Сал шамолласа, ух-хулаб юради! — Нима қилай? Нима? — деб шангиллади ҳайдовчи.

— Мен қагдан билай! — деб бақирди Эркин ҳам. Ва бирдан пиқиллаб қулди: «Ё шамолди тухтатинг, ё мошинани!» демокчи экан. — Муаллимдан суранг, муаллимдан! — деди кейин.

Шофер бошини тортиб, чамаси, муаллимдан суради. Зум утмасдан Камтар ака унғ томонда — кабина зинасида тик турганча тусиқ енидан қараб,

— Э, сенмисан, Нозик? — деди-да, уни кутариб оладиган каби қулини қўзди. — Туш, қизим, ке... — Узи пастга тушиб, мошина қўйруғига утди. Тусиндан ушлаб, яна чақирди: — Кемайсанми энди? Кабинага кириб утир. Мен уйламапман.

— Э, домлажон, қандоқ буларқан? — деди Эркин.

— Йўқ, муаллимжон. Шу ер булади менга, — деди Назокат ҳам.

Муаллимжон бир дақиқа уйлаб турди-да, кемшик тишларини курсатиб ишшайди. — Тупшасанг, мошина тухтаб тураверди. Орқадан келган мошиналар утиб кетса, буткул чангга қоламиз.

— Э, бундай булса, туш! — деди Эркин, Назокатга. — Сенин касопатингга қолиб, расво булмайлик бизлар ҳам... А, уртоқлар? Гапим туғрими?

Болалар, қизлар: «Туғри, туғри», дейишиб, унға қўл узатишди. Назокат қопини Эркинга курсатиб, ноилож жилди. Камтар акага етганида, у киши қўғирчоқни кутаргандек — икки қулида қўлтигидан олиб ерга қўйди.

— Бор, қизим. Мени кечир...

Облоқулов бортга чиққач, ҳамма бир огиздан у кишини турга — Назокатнинг жойига утказмоқчи булишди. Аммо у киши уртада чордана қуриб утириб олди.

— Тамом, — деди кейин таслим булгандек қуларини тепага кутариб. — Ху, ука, поехали!

«Поехали» булди. Мошинанинги гувиллашида гап-суз эшитилмас, савол-жавоб ҳам ортиқча булиб қолганди. Эркин олдинга юз тутди. Юзига салқин шамол урилгандан кейин мамнун булиб: «Эй, шу Камтар ака яхши одам-е, — деб уйлади. — Укитувчи булатуриб, кузобга чикди. Ҳаққатан ҳам камтар... — Кейин қаёқдандир ҳаёлига йгу уй келди: — Намоз уқиса керак. Яшириб... Энамга ухшаб. Энамга-ку — майли. Эски хотин у. Камшир. Лекин домланинги намоз уқиши... — Эркин домласига елка оша олайиб қаради: у киши гап эшитишга ҳуши йўқдек бошини ҳам қилиб утирар, бошқалардан деярли фарқ қилмас эди. — Ичида сири куп бу одамди. Айтмайди-да, — деб уйини давом эттирди Эркин яна олдинга юзланиб. — Ничево, ҳали билиб оламиз... Пахтазорда роса гурунғ қиламиз. Кечалари гулхан ёқиб...»

(Давоми бор)

Чингиз Айтматов асримизнинг энг буюк ёзувчиларидан эканини яхши биламиз. Аммо у шундай даражага қандай эришганлиги кишини қизиқтиради, албатта.

Айтматовни ўқиб, таъсирланган, унинг асарларидаги воқеалар ич-ичига кириб кетмаган, ундаги қаҳрамонга айланишни истамаган, фожеали

— «Асрга татиғулик кун» ва «Қиёмат»нинг дебючларида яна бир ухшашлик кузга ташланади. Бирида очликдан силласи қуриган тулки пайдар-пай утиб турган поездларнинг қулоқларни қоматта келтирувчи тарақ-туруқидан сесканиб, жунжикиб туради. Темир йул ёқасидаги озгина тинчлик булишини кутади.

### Бизнинг таҳлил

«Асрга татиғулик кун» романи ҳам уч-тўрт сюжетнинг бирлашувидан келиб чиққан.

«Асрга татиғулик кун»даги Найман она қиссаси, «Оқ кема»даги Шохдор она буги эртақлари асарнинг мақсадини аниқ ифодалашга хизмат қилади.

## БҮГҮН МЕНИНГ СИҒИНАДИГАН КҮНИМ

ҳолларда ростакан изтиробга тушмаган одам булмаса керак.

Ёзувчи ўз ўқувчиларини ўз ҳақиқати билан ушлаб туради. Унинг асарлари ҳаётга, инсонга, табиатга муҳаббат уйғотади. Яшашга иштиёқни кучайтиради. Бунинг бир сири шундаки, адиб қандай нарса ёзмасин, албатта унда табиат, жониворлар иштирок этади. Бу билан Айтматов инсон ва табиат уртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаб бораверади.

Гулсари, Қоранор, Акбара, Тошчайнар...

Булар ёзувчининг буюк образлари. Ҳа, улар чинакам образлар. Бу ҳайвонлар одамлар каби уйлайди, фаолият курсатади, қувонади, азобланади.

Айтиш мумкинки, Инсон ва Табиат — ижодкорнинг икки буюк қаҳрамони. Купина асарлари табиат тасвири билан бошланиши ҳам шундан деб уйлайман. Машҳур романлари —

Иккинчисид аса Ола Мунгу муз довони сари утиб бораётган вертолёт тар-таридан қурқиб увлаб юборган Акбара...

— Нега айнан бир хил тасвир? Муаллиф жониворларга ачинаптими? Ё умр буйи қургани темир йулу чулу биебон булган инсонларгами?

Айтматов ўз кўнглини бошқа бировга оча олмаган қаҳрамонларини жонсиз нарсалар билан суҳбатлаштиради. Ҳақиқатдан ҳам, киши купинча дардларини бошқа тирик зотга айта олмайди. «Сомон йули»даги Тулганойнинг дардини ҳам фақат Момо Ер кўтара олади. «Оқ кема»даги боланинг ички туйғуларини унинг жажжи портфелчасигина тушуна олади, холос.

Ёзувчининг асосий жанри — қисса. Унинг қиссалари жуда гузал. Ихчам. Ута таъсирчан. Ҳар бири бир қушиқ, ҳатто, романлари ҳам қиссалар устига қурилгандек. Қиссалари ичид а яна қисса келиши — унинг узига хос усули. Масалан, «Қиё-

Айтматовнинг асарлари кишини маънан устириб боради. Фикрлашга, ҳаётни теран тушунишга, яшаш учун курашга ундайди. Шунинг учун ҳам, Айтматовни бугун дунё севиб ўқийди. Ўзбек китобхонлари ҳам Чингиз Айтматовни яхши билишади, асарларини севиб мутолаа қилишади. Асрлар утса — утар, унинг асарлари ўз кучини йўқотмайди. Асил Рашидов ва Иброҳим Ғофуров каби таржимонларимиз заҳматлари эвазига биз Чингиз Айтматовнинг ажойиб наср дурдоналаридан баҳраманд буляпмиз. Мана, бу йил сеvimли адибимиз таваллудининг 70 йиллиги нишонланди. Шубҳа йўқки, бу ўзбек адабиётининг чинакам байрамга айланади. Чунки, даҳолар миллат танламайди. Улар башоратнинг фарзандлари демак!

**Фаррухбек ОЛИМ,**  
А. Навоий номидаги  
Республика Нафис-санъат  
лицейи толиби.

**ЭНГ КАТТА ОКЕАН** Тинч океани ҳисобланади. Келиб қуйилувчи денгизларини ҳисоблаганда умумий майдони 166 241 000 квадрат километрге тенг. Бу ер юзидаги жами океанлар майдонининг 45,9 фоизи демакдир. Уртача чуқурлиги — 4188 метр.

**ЭНГ КАТТА ДЕНГИЗ** сифатида Жанубий Хитой денгизи тан олинади. Унинг майдони — 2974 600 квадрат километр.

**ЭНГ УЗУН ТҮЛКИН** 1933 йили 6-чидан 7-чи февралга утар кечаси АҚШ ҳарбий денгиз кучларига тегишли «Рамапо» кемасининг лейтенанти Фредерик Макграфф томонидан кучли довул пайтида улчанган бўлиб, 34 метрге тенгдир.

**ЭНГ КАТТА ЧҮЛ** Африқа қитъасининг шимолий қисмини эгаллаган Саҳрои Кабир ҳисобланади. Унинг майдони 8400000 квадрат бўлиб, бу умумий қуруқлик майдонининг салкам саккиздан бирига тенг демакдир.

**ЭНГ КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА**, мутахассисларнинг фикрича, 1960 йили Чилида содир булган. 1976 йил 28 июл куни маҳаллий вақт билан кечаси соат 3 да Шарқий Хитойда бошланган зилзила 1977 йил 4 январда эълон қилинган маълумотга кура жами 655 237 кишининг умрига зомин булган. Кейинчалик бориб бу рақам 750 мингтага кутарилди. Аммо 1979 йил 22 ноябрь куни Чинхуа агентлиги ҳеч бир изоҳсиз томдан тараша тушгандек, қурбонлар сонини 242 мингта деб курсатди.

**ЭНГ ЙИРИК САРОБ**  
Доналд Б. Макмиллан томонидан 1913 йили Арктика музлоқларида кузатишган «Фата Моргана» номини олиш мазкур сароб, Макмилланнинг таърифлаши-

ча, «уфқ буйлаб бир неча юз чиқаримга чузилган водийлар, тепаликлар ва қор билан бурқалган чуққилардан иборат» булган. Макмилландан 6 йил бурун Шимол талқиқотчиси Р. Пири айнан шу саробни Крокер Ери билан адашгирган эди.

**ЭНГ КҮП ҚОР** бир йил ичид а — 1971 йилнинг 19 февралдан, 1972 йил 18 февралга қадар АҚШнинг Вашингтон штатидаги Ренер тоғи худудида ёғди. Ёгингарчилик бу ерда йил давомида уртача 31 102 миллиметрни ташкил қилди.



**ЭНГ СЕРКУЁШ ЖОЙ**  
сифатида АҚШнинг Аризона штатидаги Юма шаҳри тан олинади. Йилнинг 90 фоиз вақти давомида бу ерда қуёш чарақлаб туради. АҚШнинг Флорида штатидаги Сент Питерсберг шаҳрида эса 1967 йил 9 февралдан то 11969 йил 17 мартга қадар, 768 кун давомида кун очик булган.

**ЭНГ УЗОҚ МУДДАТГА ЧҮЗИЛУВЧИ ЁМҒИРЛАР**  
Гаваянинг КАУАИ оролидаги ВАЙ АЛЕ АЛЕ тоғида кузатилади. Бу ерда йилнинг 350 кун давомида ёғимгарчилик тинмайди.

**ЭНГ ДАҲШАТЛИ ДҮЛ**  
1986 йил 14 апрел куни Бангладешнинг Хопалганч вилоятида ёғди. Осмондан ҳар бирининг оғирлиги 1,02 килога тенг донлари ёғилиши оқибатида 92 киши ҳалок булди.

### «ОЛТИН КУЗ» НЕЪМАТИ

Карамни майда чопиб, туз қушиб мижғийсиз. Шакар ва лимон кислотаси қушасиз. Олмани майда тўғраб лимон кислотаси қушилган совуқ сувга — 10 минут солиб қўясиз.

Тайёр таомни ликопчаларга сузиб майонезнинг қолган қисмини ва қирилган пишлоқ ҳамда майдаланган ёнғоқни юзига сепиб дастурхонга қўясиз.

Бир бош янги оқ карам, 2 қошиқ шакар, 1 чой қошиқ лимон кислота, 8 дона артилган янги олма, 1 стакан майонез, 200 г пишлоқ, 7 дона ёнғоқ.



### АНОР ВА ТУРПЛИ САЛАТ

Турпни арчиб сомонча шаклида тўғрайсиз. 10-15 минут тузли совуқ сувга солиб қўясиз. Кейин сувдан олиб, анор доналарининг бир қисмига аралаштирасиз. Анор доналарининг қолган қисмидан шарбат олинаиб, салат юзига сепилади.

Беш дона турп, 2 дона анор.

### ТОШКЕНТЧА ҚОЗОН КАБОБ

Гушт, думба ёғ ва бош пиёзни гушт қиймалагичдан утказгач, масалликқа тухум қушиб ҳаммасини аралаштирасиз. Бу қиймани думалоқлаб, ҳар сихга 6 донадан тизасиз. Сихга тизишда қийма орасига ҳалқа-ҳалқа тўғралган пиёз қўясиз ва фритюрда пиширасиз.

Дастурхонга янги помидор ва бодринг билан қўйилади.

Қуй ёки мол гушти 1000 г, думба ёғ 80 г, 2 дона бош пиёз, 1 қошиқ усимлик мойи, бир чимдим зира ва 1 дона тухум. Гарнир учун 2 дона янги бодринг ёки помидор.

### ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

### Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:**  
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора  
ЙҮЛДОШЕВА, Хотам АБДУРА  
ИМОВ, Инқилоб ЮСУПОВА,  
Далахон ЕҚУБОВ, Иноят  
АБДУСОАТОВА, Сувнатилла  
ҚУЗИЕВ, Мукаррама МУ  
РОДОВА, Феруза ОДИЛОВА.

«ЁШИҚТИСОДЧИ»  
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Равшан ҚАМБАРОВ,  
Маҳлиё МИРСОАТОВА,  
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

IBM компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0498.  
46.496 нусхада босилди.  
Қозғоз бичими — А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 19.45  
Навбатчи Маъруф ЙҮЛДОШЕВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси,  
32-уй.  
Нашр курсаткичи: № 64563  
**Телефон:**  
1-33-44-25  
1-36-57-91  
1-36-54-210